

جدید

2025-yil 11-iyul
№ 28 (80)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Дунёдаги ҳар бир давлатнинг миллий суверенитети ва мустақиллиги шу мамлакатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, ўз халқининг тинч ва фаровон ҳаётини, унинг энг муҳим манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган мустақам сиёсий-ижтимоий замин ва кучқудрат манбаидир.

Ҳеч шубҳасиз, 1991 йил 31 августда мард ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва азму қарори билан қўлга киритилган миллий истиқлолимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги барча ислохотларимиз ҳал қилувчи босқичга қираётган бугунги тарихий шароитда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий кафолатларни ўзида мужассам этган ҳолда, “Ўзбекистон – 2030” стратегиямизни амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадр, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанамизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда бекиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ана шундай улкан аҳамиятини

инобатга олиб, миллий истиқлолимизнинг ўттиз тўрт йиллик шонли санасини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб таъминлаш маъно-мазмуни ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастурларининг ишлаб чиқиши ва бажарилишини таъминласин;

б) жойларда Мустақиллик байрамнинг юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги аҳамиятига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-баддий кечалар, миллий кино кунлари, умумхалқ сайиллари, маданият ва спорт тадбирларини самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намоёндалари, ижодкорлар, маданият ва санъат арбоблари, спортчилар, жамоатчилик вакиллари билан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиб берсин;

в) маъруза йўналишида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини Республика комиссияси ййгилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

3. Республика комиссияси (А.Арипов):

а) Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами (кейинги ўринларда – Мустақиллик байрами)

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда муносиб нишонланишини таъминлаш учун Концепциянинг асосий маъно-мазмуни ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастурларининг ишлаб чиқиши ва бажарилишини таъминласин;

б) жойларда Мустақиллик байрамнинг юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги аҳамиятига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-баддий кечалар, миллий кино кунлари, умумхалқ сайиллари, маданият ва спорт тадбирларини самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намоёндалари, ижодкорлар, маданият ва санъат арбоблари, спортчилар, жамоатчилик вакиллари билан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиб берсин;

в) маъруза йўналишида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини Республика комиссияси ййгилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам тадбирларининг дастурларини тайёрлашга юқори профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, бастакор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

5. Мустақиллик байрамига бағишланган чора-тадбирларни амалга оширишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича саккиз йил олдин бошлаган кенг қўламли ислохотларимиз туфайли жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий манзараси бутунлай ўзгариб бораётгани;

б) қисқа муддатда мамлакатимиз иқтисодиёти шиддат билан ўсиб, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми тарихда биринчи марта 110 миллиард АҚШ долларидан ошгани, “яшил” ва инновацион иқтисодиётга ўтиш, муқобил энергия манбаларини яратиш бўйича улкан дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётгани;

(Давоми 2-саҳифада).

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНга хос янгича муҳташам “ДЕВОН”

Китобда шоирнинг ролпа-роса 50 йил давомида битган шеърларидан бой намуналар жамланган. Муҳими, эл-юртимиз тарихи, қисмати, дардини қуйлашни ўзи учун фарз ва қарз деб билган ҳассос шоир Сирожи-дин Саййиднинг она халқимиз оғир, синовли кунларда чеккан заҳмату меҳнатларига, андуҳ ва изтиробларига ҳамдард бўлиб ёзган ўтли назм намуналаридан токи янги замон руҳи кенг қўламли ўз ифодасини топган манзумаларига – сара асарлари ҳам ягона муқова қатида ўз мужассамини топибди.



(3-саҳифада ўқинг).

ЭКСПЕДИЦИЯ

БОБОЛАР ИЗИДАН ОЗАРБАЙЖОНГА...

Ўтган йили Ўрхун-Энасой битиклари, қадимги туркий манзилгоҳлар билан яқиндан танишиш мақсадида Олтой тоғ тизмалари бўйлаб “Боболар изидан...” борган илмий-ижодий экспедиция бу сафар Озарбайжонга йўл олганидан хабарингиз бор.

Ўзбекистонлик таниқли олимлар, ёзувчи-шоирлар, санъаткор ва журналистлардан иборат гуруҳ экспедицияни, энг аввало, Боку шаҳрида жойлашган Алишер Навоий ҳайкалини зиёрат қилишдан бошлади.

Буюк мутафаккир хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Унинг бой илмий-маънавий мероси ёдга олинди, дostonларидан парчалар ўқилди.



Халқаро Евроосиё Матбуот Фонди президенти Умид Мирзаев ижодий-илмий гуруҳнинг Озарбайжондаги чин жонқуяри, йўлбошчиси ўлароқ бизни диққатга сазовор манзиллар билан таништириб борди. Аввали, озарбайжонлик машхур сатирик шоир, маърифатчи жадид Мирза Алакбар Собир ҳайкали ва боғи билан таништирди. Сўнгра йўналишни боғ ёнидаги муҳташам бино томонга бурди. У ерда бизни Озарбайжон Миллий Илмлар Академияси президенти Иса Ҳабиббейли самимий қарши олди. У киши академиянинг асосий фаолияти, илмий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берди. Эътиборлиси, мазкур бино – Исмаилов саройи 1908–1913 йилларда машхур озарбайжонлик нефть магнати Муса Нағҳиев ҳомийлиги асосида (унинг 20 ёшида вафот этган ўғли хотирасига атаб) бунёд этилган экан.

(Давоми 3-саҳифада).

ТИББИЁТ

ЖИГАРЛАРИМИЗДАН ЖИГАРИМИЗНИ АЯМАЙЛИК

Инсон ҳаёти давомийлиги ва саломатлиги учун энг муҳим аъзолардан бири жигардир. У ҳеч қачон оғриқ бермайди. Чунки жигарда нерв тоналари йўқ. Афсуски, ана шу “беозор”лик кўпинча қимматга тушади. Жигар касалликларининг энг оғир турларида ҳам инсон ўзида хасталик кечаётганини сезмай қолиши мумкин. Кўп ҳолларда бу сўнги чора – бошқа организмдан жигар кўчириш амалиётини ўтказишга олиб келади.



операция столига ётқизибли, учта жигар муваффақиятли трансплантация қилинди. Айни пайтда беморларнинг аҳволи яхши, донорлар эса аллақачон ижтимоий фаолиятини давом эттирмоқда.

– Аҳолиимизнинг ҳар бир дардига ўзимизда даво топсак деймиз, – сўз бошлади марказ директори Мақсуд Саидов. – Ўтган йили ҳиндистонлик таниқли трансплантолог Вивек Виж 214 нафар ўзбекистонликни операция қилиш учун юртига олиб кетди. Ҳар бир бемор 32 минг доллардан тўлов қилган. Бунча маблағни топиш осон эмас: борники ботмон билан, йўқники эса... уй сотиш, қарз-ҳавола билан. Худди шу амалиёт ўзимизда йўлга қўйилган эди-ку. Шароитимиз ҳам Европа ё бошқа Осиё давлатларидаги клиникалардан кам эмас.

(Давоми 2-саҳифада).

АНЪАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ...



“...Биз Зомин ёшлари келгусида ҳаёт ва ижодда улкан муваффақиятларга эришишга ишонамиз. Зеро, уларга шахсан Давлат раҳбарининг ўзи “Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари кутлуғ бўлсин!”, дея эзгу тилақларини билдирган эди. Семинар шорига айланган бу сўзлар замирида эса давлатнинг адабиёт ва адабиёт аҳлига, китобхонликка бераётган бемисл эътибори ва ғамхўрлиги мужассам...”

(4-5-саҳифаларда ўқинг).



Нуъмонжон ҒАФФОРЙ,
тарих фанлари доктори, профессор
(Тожикистон Республикаси):

– Хўжандлик Саид Бобоҳон Аҳрорий Туркистон жадидлари сарвари бўлмиш Маҳмудхўжа Бехбудийнинг шогирдлари ва тарафдорларидан биридир. У киши 1910 йилда Хис-теварз қишлоғи ва ён-атрофдаги ҳудуд болалиги учун янги усул мактабини очди.

БЕХБУДИЙНИНГ ХЎЖАНДЛИК МУҲИБЛАРИ

Таълим муассасасининг илк ўқувчиларидан бири бобом Абдуғаффор Ҳасанов бўлган. Аҳрорий домла вафотидан олдин бобомга “Ойина” журналининг 68 та сонини ишониб топширади. Ушбу тахлам ҳозиргача оиламизнинг энг қимматбаҳо бойлиги сифатида эъзозда. Отам, тарихшунос олим Усмонжон Ғаффоров ҳам илмий изла-нишларида улардан унумли фойдаланган.

Мен Бехбудийга ихлоси чексиз бўлган ана шундай оилада ўсиб-улгайдим. Бу ихлос, ҳатто, қонимизда бор, десам мулобаға бўлмас. Бобом тез-тез каминани ёнига чақириб, устозидан эшитган

хотираларни айтиб берар, улар орасида албатта, Бехбудийнинг нурли сиймоси порлаб турарди.

Улғаяр эканман, бобом ва отамдан эшитганларни мени илм йўлига бошлади. Олис ва машаққатли сафарда эса Ҳазрат ёди маёқ каби порлаб турди. Бехбудийнинг сиёсий ва жамоатчилик фаолияти ҳақидаги илк рисолам 1997 йили Душанбеда чоп этилди. Шундан сўнг номзодлик, кейинроқ докторлик ишини ҳимоя қилдим. Ҳар иккисида ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий ва “Ойина” журнали асосий суянчим бўлди.

(Давоми 6-саҳифада).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

в) янгиланган Конституциямизда белгиланганидек, Ўзбекистон тобора инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари улуғланидиган ижтимоий давлатга айланиб бораётгани, бандлики таъминлаш, замонавий иш ўринларини кўпайтириш, камбағаллики қисқартириш, ёрдамга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари катта ижобий натижалар бераётгани;

г) таълим соҳасидаги ислохотлар илгари тарихимизда мисли кўрилмаган ўзгаришларга олиб келаётгани, мактабгача таълим тизимида қамров 2017 йилдаги 27 фоиздан ҳозирги пайтда 77 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга етгани, юртимизда ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар ва Президент мактаблари каби янги моделдаги мактаблар тизими пайдо бўлгани;

д) соғлиқни сақлаш, илм-фан, ИТ, маданият, адабиёт ва санъат соҳалари ривожига ҳам катта эътибор берилаётгани, Париж Олимпиадаси ва Паралимпиадасида спортчиларимиз илк бор кучли ўн бешталикдан жой олгани, футбол бўйича 17

ёшгача ўсмирлар жамоамиз, шунингдек, миллий терма жамоамиз Ўзбекистон тарихида биринчи марта жаҳон чемпионатида йўлланмани кўлга киритгани;

е) “**Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари**” деган шior остида навқирон авлодимизнинг замонавий билим ва касб-хунарлар, она тили билан бирга хорижий тилларни, ИТ технологияларини эгаллашлари, тадбиркорлик билан шуғулланишлари, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқаришлари учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб берилаётгани, бунга жавобан ўғил-қизларимиз турли соҳаларда дастлабки қувончли ютуқларга эришаётганлари;

ж) кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимиз жадал суръатлар билан обод бўлиб бораётгани, “Янги Ўзбекистон” уй-жой мавзеларини барпо этиш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, смарт ва инновацион шаҳарсозлик асосида янги шаҳарлар барпо этилиб, ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланаётгани;

з) кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиздаги тинчлик, ўзаро дўстлик ва

ҳамжиҳатлик муҳити – бизнинг бебаҳо бойлигимиз экани, уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши зарурлиги;

и) “**Армия ва халқ – бир тану бир жондир!**” деган шior асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, мард ва жасур аскар ва офицерларимизнинг жисмоний, маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар амалга оширилаётгани;

к) Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик, ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини кучайтиришдаги ўрни ва нуфузи ортиб, янги босқичга кўтарилаётгани;

л) Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида очиқ, демократик ва дунёвий давлат сифатидаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора юксалиб бораётгани.

6. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков): а) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган асосий байрам тадбирининг

дастури ва сценарийсини Концепция асосида ишлаб чиқсин ҳамда уни юксак ғоявий-бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин;

б) Бадиий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси билан биргаликда “**Она дийёр – ранглар жилосида**”, “**Ватан учун яшайлик!**”, “**Энг улуг, энг азиз**” каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин;

в) Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган **Энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари** танловларининг якуний босқичини ўтказсин;

г) мазкур танловларнинг ғолиб ва совриндорларини Мустақиллик байрами арафасида эълон қилиш ва тантанали равишда тақдирлаш чораларини кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрийлик асосидаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

б) Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилиши.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 10 июль

ЖИГАРЛАРИМИЗДАН
ЖИГАРИМИЗНИ АЯМАЙЛИК

Бошланиши 1-саҳифада.

Шунда англадикки, одамлар билан ишлашимиз, уларнинг хабардорлигини оширишимиз, маҳоратимизга ишонтира олишимиз керак экан.

Бир маълумот айтиш, кейинги йилларда тирик донордан буйракни муваффақиятли трансплантация қилиш бўйича ҳам Ўзбекистон яхши курсаткичлар қайд этди. Ниманинг ҳисобига? Кадрларимиз хорижда малака ошириб, тажриба орттириб қайтмоқда. Моддий-техник базамиз мустаҳкамланмоқда. Айни соҳага давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилган.

Марказимизда инсон аъзолари трансплантацияси “Трансплантология ва ангиохирургия” ҳамда “Эндовизуал (абдоминаль ва торакаль) хирургия” бўлимларида амалга оширилади. Бу бўлимларда беморлар учун 31 та палатада 62 та ётоқ (койка) жойлаштирилган. Ҳар икки бўлимга ўн нафардан трансплантолог, гепатолог, нефролог, шунингдек, жарроҳ ва анестезиологлар бириктирилган.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Аъзам Бобохонов, тиббиёт фанлари номзоди Элёр Турғунбоев каби ўз ишига уста, моҳир устозлар билан бирга Сардор Қаландаров, Икром Турғунов, Анастасия Романова, Сарвар Шарифжонов, Шоҳжаҳон Маткаримов каби ёш шифокорлар юзлаб беморлар ҳаётини сақлаб қолишдек эзгу вазифани сидқидилдан бажармоқда.

Миллий тиббиёт маркази матбуот котиби Зулайхо Мусурмонова бизни жараён билан яқиндан таништирди:

– Жигар трансплантациясида шифокорларимиз икки гуруҳга бўлиниб ишлайди. Саккиз нафар жарроҳ, икки анестезиолог, 4 нафар ҳамшира иштирок этади. Иккита хонадаги жарроҳлик столига икки киши бир пайтда ётқизилади. Биридан жигар бўлаги олинади ва иккинчисига қўйилади. Бундай жиддий жарроҳлик амалиётлари камида 8-10 соат давом этади. Шифокорлар тажрибаси ортиб боргани сари операциялар давомийлиги қисқариб бормоқда.

Марказимизда бир беморга тўрт қайта буйрак ўтказилди. Ҳозир у тузалиб кетган, ўқитувчилик қияпти. Бир-икки йил олдин йигирмата нина ютган бола улардан халос бўлгач, ногирон бўлиб қолганди. У ҳам пай трансплантациясини ўтказди. Ўзбекистонда биринчи марта эпилепсия касаллиги бор бемор шу ерда сунъий интеллект ёрдамида операция қилинди. Шартнома асосида иш-

лаётган эронлик ёш ортопед-жарроҳ Рошан Асфар эса хайратланарли амалиётларни бажармоқда. Натижада, ҳаётдан умидини узган унлаб юртдошларимизга қайтадан яшаш бахти тақдим этилляпти. Мана шу мўъжизани кўрганингизда трансплантологиянинг нақадар муҳим ва керакли соҳа эканига иқдор бўласиз.

Марказ раҳбарияти бизни трансплантация жараёнини бевосита кузатишга таклиф қилди. Бу ерда сенсорли қўл ювиш мосламаларидан тортиб, анестезия ускуналари

билан ҳал бўлади. Балки биз ҳам халқимизни бунга босқичма-босқич тайёрлашимиз керак бўлар. Муҳими, бир инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Марказ ҳаётга қайтарган беморлардан бири билан телефон орқали боғландик. Сўхбатдошимиз Ўткир Комилов жигар циррози ташхисини эшитгач, касал ҳолига сарсон бўлиб чет элма-чет эл юрмади. Ўзимизнинг шифокорларга ишонди. Қолганини ўзидан эшитамиз:

– Тўрт ой бўлди Миллий тиббиёт



ва операцион блокларгача – ҳамма-ҳаммаси жаҳон стандартларига жавоб бериши қайд этилди.

– Ўн икки йилдан буён шу соҳаданман, – дейди Трансплантология ва ангиохирургия бўлими мудири Аҳрор Сафаров. – Жараёнда ҳар хил ҳолатлар бўлиб туради. Баъзан донор топа олмай қоламиз. Бу ҳолатда қўлимиздан ҳеч нарса келмайд.

Жигар трансплантацияси икки усулда олиб борилади: тирик ва ўлик танадан соғлом аъзо олиш. Биз фақат биринчи усулдан фойдаланамиз. Жаҳон тажрибасида эса иккинчи усул ҳам қабул қилинган. Агар бизда ҳам вафот этган инсондан жигар олиш имкони бўлганида, қанчадан-қанча беморлар яшаб кетган бўларди. Қачондир бу усулни ҳам қабул қилсак керак, деб ўйлайман. Бу ҳолат шундайки, олдинда икки одам бор. Бири ҳозиргина ҳаёт билан видолашган. Иккинчи бир инсон эса жон талашяпти. Уша биргина бўлак билан кўзинг олдида ҳаётдан кўз юмиши муқаррар бўлиб турган бемор яна яшашда давом этиши мумкин. Бу эса ҳар икки беморга тегишли ўзаро қариндошлар қарори

марказида жигар қўйдирганимга. Операциядан чиққанимда 66 килограмм эдим, ҳозир 78 килограмм бўлдим. Аҳволим яхши. Менга жигар берган синглим ҳам соғ ва омон. Марказнинг беморлар учун очилган телеграм гуруҳига аъзоман. Бу ерда беморлар учун зарур бўлган маълумотлар бериб борилади. Доимий ичиладиган икки турдаги препаратларимизни бепул етказиб беришади. Беморларнинг касаллик даврига оид электрон қўлланмалар яратишган. Бу ҳам шу телеграм каналда қўйиб борилади. Унда ҳар бир беморга тегишли барча маълумот бўлади. Шифокор алмашиб қолган тақдирда ҳам кейинги шифокор шу қўлланма асосида бизнинг даволаниш жараёнимизни назоратга олади.

Дарҳақиқат, керакли дори воситаларининг ўз вақтида етказиб берилиши мамлакатимизда қатъий назоратга олинган ва беморларнинг даволанишлари учун етарли даражада дори захиралари шакллантирилган. Буйрак ва жигар қўчириб ўтказилган 1 минг 500 нафардан ортиқ бемор давлат реестр рўйхати-га олинган. Шу рўйхат асосида икки



турдаги иммуносупрессив дорилар бепул бериб боришмоқда. Бемор бу дориларни умр бўйи ичиб бориши керак.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, реципиентнинг барча тиббий текширув, муолажа ва жарроҳлик амалиёти учун харажатлари давлат сугурта компаниясининг гарданисида. Ҳар бир жигар трансплантациясида муҳтож бемор учун 150 миллиондан 200 миллион сўмгача маблағ давлат томонидан ажратилади. Фақат донорнинг ташхис натижалари, қон ва бошқа таҳлиллари ҳамда амалиётга кетадиган харажатни ўзи тўлайди. Бу харажат миқдори 40-50 миллион сўм атрофида бўлади. Хоризга бориб жигар қўйдириш учун эса энг камида яна ўн баробар кўп пул сарфланади.

Тиббиётнинг кун сайин эмас, соат сайин ривожланиб бораётгани, беморлар тузалаётгани қувонарли ҳолат. Аммо касаллиқнинг олдинки олиш энг маъқул йўлдир. Ҳўш, жигар огримаса, унинг касаллигини қандай биламиз? Қандай ҳолатда у трансплантологияга муҳтож бўлади?

Доимий чарчоқ, қориннинг катталашishi, қорин бўшлиғининг терисидан қон томирларнинг кўриниб қолиши, кўз ва терининг сарғайishi, бел соҳасида терининг қичishi, оғизда аччиқ таъмини ҳис қилиш, бадандаги кўкаришлар, қон томирларининг мўрт бўлиб қолиши каби белгилар жигарда муаммо борлигини кўрсатувчи симптомлардир. Унинг трансплантологияга муҳтож ёки йўқлиги тиббий таҳлиллар орқали аниқланади.

Жигар тана аъзолари ичида энг фаоли ҳисобланади. Унинг ноёб хусусияти шундаки, инсон тана аъзолари ичида биргина жигар қайтадан ўзини ўзи тиклай олади, жуда тез соғлом ва тўлақонли аъзога айланаверади ва шароит яратилса, у уч юз йилгача фаолиятда бўлиши мумкин. Бу ҳам бир мўъжиза. Донор кимгадир жигар бериб, камайиб қолмайди. Бугунги кунда республикамизда йигирма мингдан зиёд беморнинг гепатит С, гепатит В, жигар гипато-зи (ёғ босиши) туфайли жигар қўчириш амалиётига эҳтиёжи борлигини ҳисобга олсак, бир инсонга жигар бериш орқали ҳеч нарса йўқотмаслигимизни тушунайлик, яъни зарур бўлса, жигарларимиздан жигаримизни аямайлик. Зеро, бир одамни ўлимдан сақлаб қолиш энг олижаноб толе!

Муҳайё РУСТАМОВА

ЎЗБЕК ТИЛИМ – ЎЗ ТИЛИМ

“ЎЗ ЮРТИДА ОНА
ТИЛИН УНУТГАНЛАР...”

Светлана КИМ:

– Мен Ўзбекистонда туғилиб-ўсдим. Юртимни жуда яхши кўраман. Кимёгарман. Москвада ўқир эканмиз, курсдошларим ўша ерда қолишга ёки яхши йўланма олишга интилишарди. Менга Белорусдаги йирик кимё заводида йўлланма беришди, аммо ундан воз кечдим. Чунки уйга – Ўзбекистонга қайтишни истадим. Рост, бошқа жойда яшашни тасаввур қилолмайман. Тошкентга қайтиб, ишга жойлашдим.

Миллатим корейс, рус тилида таълим олганман. Ўзбекистонда яшаганим боис ўзбек тилини мукаммал ўрганиш истаги болалигимдан юқори бўлган. Аслида, ўзбек тилини билиш – бу зарурат, фуқаролик бурчидир.

Ўзбекчани янада яхши ўрганиш учун тил курслари билан қизиқдим. Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида бошқа миллат вакилларига ўзбекча ўргатадиган курс борлигидан хабар топдим. Биринчи дарсдан кейин гуруҳларга бўлиндик. Бизнинг 17 кишилик гуруҳимизга педагог Азизбек Бердиев дарс бера бошлади. Чет тилини ўрганаётган киши учун ўқитувчининг ўрни бекиёс. Муваффақиятнинг ярми, ҳатто ундан ҳам кўпроги ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Жиддийроқ шуғулланиб, ўзбекча ўқиш ва ёзишни ҳам ўзлаштириб олмақчиман. Дарсларга қатнай бошлаганимдан бери қўшнилари билан янада осонроқ мулоқот қилганман. Мендан кўра кўпроқ улар қувонганини кўриб, иштиёқим янада ошмоқда.

Отам узоқ йиллар ўзбеклар билан бирга ишлаган. У ҳам ўзбек тилини яхши билган. Отам ҳаётини ҳақиқатга асосланган бир мулоҳазани тез-тез такрорлаб туради: “...1937 йилда депортация қилинган биз корейслар айнан ўзбек халқининг саховати туфайли омон қолиб, бегона юрда ҳам ўз миллийлигимизни сақлаб қололдик”. Биз буни доим ёдда сақлашимиз. Бутун умр ўзбек халқининг нақадар меҳмондўст, меҳрибон, баргикенг эканини эътироф этишдан чарчамаймиз.

Ўзбек тилини ўргана бошлагач, атрофимдагиларнинг менга ҳурмат янада ошганини яққол ҳис қила бошладим. Ҳозир лотин алифбосидаги ўзбек ёзувини ўрганаётганимиз сабабли қўшнилари билан “СМС”лашганда лотинча ёзаман. Тўғри, ҳозирча хабарларим қисқа жумлалардан



иборат, лекин меҳрибон қўшнилари ҳаракатимни-да астойдил қўллаб-қувватлашмоқда.

Тажрибадан маълумки, тил ўрганиш учун икки муҳим жиҳат сабаб бўларкан: истак ва эҳтиёж. Кимдир карьера ёки бошқа сабабдан тил ўрганишни шарт деб билса, бу – мажбурият. Аммо истак, бу – бутунлай бошқа нарса. Бу тилга бўлган муҳаббат, тил орқали маданиятга чуқурроқ кириш имконияти.

Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказидаги шароитлар алоҳида мавзу. Дарсларда замонавий технологиялардан унумли фойдаланилади. Шунингдек, дастур ҳам жуда яхши. Тилни ўзлаштиришда дастур жуда катта роль ўйнайди. Шундай шароитда ўзбек тилини ўрганаётганимдан жуда мамнунман.

Бир мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир айрим ўзбеклар ҳам ўз тилини қўйиб бошқа тилда гаплашади. Ҳатто, оилада ҳам бошқа тилда қилишлари мени ҳамиша ҳайрон қолдирган. Худди шунинг акси бўлган яна бир ҳолат эса мени доим қувонтирган. Яъни, бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини жуда яхши билишига гувоҳ бўлганман ва уларга ҳавас қилганман. Яқинда интернет тармоқларида япон йигитнинг давлат тилида гапирган видеосини кўрдик. Чунки у миллийликни, ўзликни белгилаб берадиган энг асосий омил.

Ўзимни “ўзбек корейсиман” деб ҳисоблайман. Менинг бахтим шунда!

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ
ёзиб олди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ХОС ЯНГИЧА МУҲТАШАМ “ДЕВОН”

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Ярим аср девони” номли бир жилдлик салмоқли китоби яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида юксак дид ва нафосат билан нашр этилди.

КИТОБНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАҚИДА

Китобда шоирнинг роппа-роса 50 йил давомида битган шеърларидан бой намуналар жамланган. Муҳими, эл-юртимиз тарихи, қисмати дардини куйлашни ўзи учун фарз ва қарз деб билган ҳассос шоир Сирожиддин Саййиднинг она халқимиз оғир, синовли кунларда чеккан заҳмату меҳнатларига, андуҳ ва изтиробларига ҳамдард бўлиб ёзган ўтли назм намуналаридан токи янги замон руҳи кенг қўламда ўз ифодасини топган манзумаларигача – сара асарлари ҳам ягона муқова қатида ўз мужассамини топибди. Бу, албатта, ғоят манзур ижодий ёндашув ва ҳар томонлама мақбул ечим.

Сирожиддин Саййид қаламига мансуб “Девон”да шеърлар хронологик тартибда жойлаштирилган ва бу муҳим жиҳат бизга Алишер Навоий ҳазратларининг “Чор девон”ига тартиб беришини эслатди.

Китобнинг мухтасар кириш сўзида қайд этилганидек, “Қўҳна Шарқда “Девон” тузишнинг қатъий мезонлари ва мукаммал қоидалари бўлган. “Девон соҳиби” деган номга сазоворлик шоир ижодий салоҳиятини белгилловчи муносиб рутбалардан саналган. Бугун янги замонда яшаймиз. Табиийки, бизнинг давримизда “Девон” тузишда мумтоз шеърятимиздаги каби араб алифбосига қатъий риоя қилинган талабларни қўйиб бўлмайди”.

“ДЕВОН” ТУЗИШНИНГ ЯНГИ МЕЗОНЛАРИ

Бугунги давр шоири олдида “Девон” аруз вазнидаги шеърлардан таркиб топиши ва унга араб алифбоси асосида тартиб берилиши керак, деган анъанавий талабни қўя олмаслигимиз табиий ҳол. Чунки, биринчидан, замонавий ўзбек шеърятинида аруз вазни устуворлик қилмаслиги, иккинчидан, араб алифбосидан анчайин узоқлашиб кетганимиз туфайли бундай ёндашув ҳозирги давр “талаблари”га жавоб бермайди.

Бунинг ўрнига, фикримизча, “XXI аср шоири “Девон” тузиш анъанасини қандай новаторлик ёндашувлари билан бойитди?”

деган мантиқан асосли саволга жавоб излаган маъқул. Шу нуқтаи назардан:

биринчидан, “Ярим аср девони” фақат аруздаги назм намуналаридангина иборат эмас ва айни шу воқеликнинг ўзи “Девон” тузиш анъанасини янги давр билан чамбарчас боғлаб турибди. Янги “Девон”дан бармоқ вазнида битилган лирик ва публицистик шеърлар, сўз мулкнинг барҳаёт дарғалари лирик асарларига таъмин ва таъбулар ҳам ўрин олган;

иккинчидан, Сирожиддин Саййид ўз “Девон”ига турли йилларда битилган достонлар ва достонлардан парчаларни ҳам киритганки, бунга қадар “Девон” тузиш анъанасида бундай ёндашув кузатилмаган;

учинчидан, “Ярим аср девони” саҳифаларида Лойик Шерали, Андрей Вознесенский каби шоирлар шеърларининг Сирожиддин Саййид таржимасидаги ўзбекча матнларини мазза қилиб ўқиш мумкин. “Девон” тузиш анъанасида таржима асарларни бериш тажрибаси ҳам учрамайди.

Биз, албатта, ўрта асрларга хос “Девон” тузиш анъанаси мезонлари ҳақида фикр юритяпмиз. XX асрда ушбу анъана Ҳабибий, Чустий, Собир Абдулла каби “Девон” тузган шоирларимиз томонидан янгиланган. Уларнинг “Девон”ларида ғазаллар ҳозирги ўзбек алифбоси тартибда жойлаштирилган.


“ДЕВОН”НИНГ ТАРКИБИ: ФАСЛЛАР ТАЛҚИНИ

“Ярим аср девони” бир неча фаслдан ташкил топган. Хусусан, “Менинг энг мунаввар, гўзал тонгларим” фасли – 1974–1983 йилларга оид шеърларни ўзида қамраган.

Бу фасл, умуман, “Девон”нинг ўзи ҳам илк ҳаваскорона битиклардан бошланади. Дастлабки шеър 1974 йилга мансуб. У “Ватан меҳри” дея номланган бўлиб, мана бу кўтаринки мисралар билан якунланган:

**Ёлғиз истак қалбда ҳукмрон,
Ватан меҳри тарк этмасе бас.**

Муқояса учун “Девон”нинг якуний фасли-



даги 2024 йилда битилган “Ватан бағрида бўл бедор” сарлавҳали шеърдан бир банд келтирамыз:

**Қолиб кетгучилар бисёр,
нолиб кетгучилар бисёр,
Улардан бўлмагил зинҳор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.**

Ҳар икки шеърда ҳам Ватанга меҳр ва садоқат туйғулари тараннум этилган. Аммо, илк битик билан бугунги назмий нафас оралиғида эллик йилда юз берган еру осмон қадар фарқи – ижодий юксалишни осонгина илғаш мумкин.

Ушбу фаслдан жой олган шеърлар ёш Сирожиддиннинг шоир сифатида изчил шаклланиши босқичларини намоян этади. Унинг биринчи шеъри “Орзу” сарлавҳаси остида 1975 йилда чоп этилган бўлса, илк шеърини тўплами “Руҳим харитаси” номи билан 1985 йилда нашрдан чиққан.

Кейинги фасл – “Онажон, бу олам бунчалар чексиз!” деб номланган бўлиб, 1984–1991 йиллардаги шеърларни ўз ичига олади. Бу даврга келиб Сирожиддин Саййид шеърят шайдоларига яхшигина таниш бўлиб улгурган. Чунки унинг “Салқин харсанглар қафтида”, “Севги мамлақати”, “Асрагил” каби шеърини китоблари кетма-кет нашр этилган ва мухлислар эътирофи сазовор бўлган. Бу фаслдаги соф лирик туйғулари ифодаланган етук шеърлар

“Девон”га ўзгача руҳ бағишлаб турибди.

Айни фасл ўзида қамраган етти йиллик ижодий даврнинг яна бир ўзига хос самараси – 1990 йили ҳассос рус шоири Андрей Вознесенский қаламига мансуб туркум шеърлар, достонлар ва насрий асарлар Сирожиддин Саййид таржимасида – “Мангу ризк” номли китоб шаклида нашр этилгандир. Натижада, юртимиз китобхоналари жаҳон шеърятинида ёрқин из қолдирган Андрей Вознесенский феноменини унинг ўзбек тилига ўтирилган асарлари орқали кашф этдилар.

Навбатдаги фасл “Яхшилик эскирмай” деб аталган ва 1992–1993 йиллардаги шеърларни ўзида мужассам этган. Атиги икки йиллик ижодий фаолиятга бағишланган айни давр ҳам баракали бўлганини қайд этиш лозим. Муҳими, шу йилларда шоир ўзининг машхур “Қирқ ҳадис” туркум шеърларини ва “Фалак айланади” номли тўртликлар жамланмасини ёзди.

Яна бир фасл – “Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш” – 1994–2003 йилларга мансуб шеърлардан иборат. Бу фаслдаги шеърлар шоирнинг илгари нашр этилган “Куйдим”, “Уйингдаги бешиқлар”, “Ватанни ўрганиш”, “Эгаси бор юрт”, “Ватан абадий”, “Устимиздан ўтган ойлار” каби шеърини китоблари орқали мухлисларга яхши таниш.

Ўз навбатида, “Сен – мангу халқдирсан, ризқ-рўзи ҳалол” деган фаслда 2004–2013 йилларда битилган шеърлар жамланган. Бу даврда шоирнинг “Қўқимдаги зангорларим”, “Кўнгил соҳили”, “Қалдирғочларга бер айвонларингни”, “Дил фасли”, “Яшасин ёмғирлар” каби шеърини тўпламлари, “Сўз йўли” номли икки жилдлик танланган асарлари, “Юз оҳ, Заҳриддин Муҳаммад Бобур...” достони ва ўзида шеърлар, бадиий-публицистик мақолалар, суҳбатлар ва бадиаларни жамлаган “Бугдойбуй Ватан” китоби мухлислар қўлига етиб борди.

Нихоят “Миллат бахтин сўрар миллат отаси” фаслидаги шеърлар 2014–2024 йилларга мансубдир. Ана шу ўн йиллик ижодий юксалиш даврида шоирнинг қарийб 20 та китоби нашрдан чиқди.

Шунингдек, 2018–2019 йилларда Сирожиддин Саййиднинг тўрт жилдлик “Асарлар” тўплами ҳамда шеърлар, достонлар ва таржималар, суҳбат ҳамда мақолалардан иборат “Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди” ва бошқа китоблари нашр этилди.

Аслида ҳам, “Ярим аср девони” – том маънодаги Халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг эллик йиллик ҳайрат ва муҳаббат

йўли. Шу маънода, бир томондан, айни муҳташам “Девон” шоирнинг Ватанимиз, халқимиз, миллатимиз олдидаги ўзига хос ижодий сарҳисоби бўлса, иккинчи томондан, адабиёт ва маърифат аҳлига муносиб назмий тўхфаси ҳамдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФЛАНГАН ШЕЪРИЯТ

Асрлар мобайнида аждоқларимиз шеърятни нафақат сўздан бадиий завқ олиш манбаи, балки турли билимларни одамлар онгу шуурига энг мақбул тарзда етказишнинг қулай воситаси ҳам, деб билганлар. Жумладан, олис асрларда Абу Али ибн Сино ҳазратлари хасталиклардан сақланиш ва уларни даволаш йўллари, турли малҳаму гиёҳларнинг шифобахш хусусиятларини шеърини услубда баён этганлар. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Заҳи ота Ҳимматий сингари азиз-авлиёларимиз муқаддас динимиз арконлари ва тасаввуф тариқатлари мазмун-моҳиятини теран аңлатиш учун таъсирчан шеърлар битганлар.

Яъни, шеърят муайян ижтимоий-фалсафий ва маънавий-ҳуқуқий вазифаларни ҳам азалдан уddалаб келмоқда. Мазкур “Девон”дан қўллаб ижтимоий мавзудаги шеърлар ҳам жой олган.

Бу ўринда шоирнинг эл-юртимиз ҳаётида мунтазам юз бериб турадиган турли ёрқин воқеаларга бағишланган шеърлари ҳақида сўз бормоқда.

Шоир спорт, қурилиш ва бунёдкорлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, саноат ва ҳарбий соҳа, маданият ва санъат – ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларидаги ҳар битта ярқ этган муваффақиятни алоҳида шеър битиб улуғлайди. Бундай ёндашув, таъбир жоиз бўлса, Янги Ўзбекистонда эришилаётган зафарли одимларни шеърини услубда шарафлаш экани билан алоҳида эътирофга лойиқдир.

Мухтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Шеърятга ошно бўлган инсон асло кам бўлмайди”. Шу маънода, китобхон ва шеърсевар халқимизга муҳташам “Ярим аср девони”ни тақдим этиб, бизни шеърят оламига яна бир бор ошно этгани учун Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, сенатор Сирожиддин Саййидга ташаккур билдирамиз ва ижодиға янги илҳому парвозлар тилаб қоламиз.

**Акмал САИДОВ,
академик**

Бошланиши 1-саҳифада.

Био лойиҳаси поляк меъмори Юзеф Плошко томонидан ишлаб чиқилган ва Венеция готикаси услубида қурилган.

Дастлаб, Мусулмон хайрия жамияти эҳтиёжлари учун мўлжалланган мазкур сарой кейинчалик илмий ва ижтимоий марказга айланган.

Бу даргоҳ 1926 йили Биринчи Умумиттифок Туркология Конгрессига мезбонлик қилган. Ушбу тарихий анжуманда туркий халқларнинг умумлотин алифбосига ўтиш масаласи кенг муҳокама қилиниб, жадидлар илгари сурган ислохотлар асосида илмий қарорлар ишлаб чиқилган. Конгрессда озарбайжонлик ислохотпарвар олимлар қаторида ўзбек жадидлари ҳам иштирок этган.

Кейинги манзил Озарбайжон Ёзарлар бирлиги биноси бўлди. 1934 йилда ташкил этилган Уюшманинг асосий мақсади – миллий адабиётни ривожлантириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва туркий халқлар адабий алоқаларини мустақамлашдан иборат.

Бугунги кунда унга машхур ёзувчи ва жамоат арбоби Анар Рзаев раҳбарлик қилмоқда. Биз борганда уюшма фаолияти билан унинг ўринбосарлари таништирдик. Анар муаллимнинг ўзи билан эса сафарнинг тўртинчи куни учрашиш насиб қилди. “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати”да ўтказилган учрашув бутун умр ёдда қоладиган таассуротларга бой бўлди.

Кейинги куни 2000 йилда ташкил этилган Боку Славян университетида бўлди. Славян ва Европа тиллари бўйича мутахассислар



тайёрловчи нуфузли олий таълим муассасасининг кутубхонасига “Jadid” газетасида чоп этилган сара мақолалар асосида тайёрланган “Тилда, фикрда, ишда бирлик” номли тўплам ҳада этилди. Университет ректорининг айтишича, тез орада кутубхонада ўзбек адабиёти бўлими ташкил этилади.

Кейинги куни экспедиция аъзолари Бокунинг тарихий рамзларидан бири – Фахрийлар хиббонасига борди. Мазкур муқаддас маскан – Озарбайжон халқининг озодлиги, равақи ва маданий-маънавий тараққиёти йўлида фидокорона хиз-

мат қилган йирик шахслар хотираси абадийлаштирилган жойдир.

Экспедиция иштирокчилари фахрийлар қабри бошига гуллар қўйиб, давлат ва халқ ардоғидаги шахслар, жумладан, мустақил Озарбайжон Республикасининг биринчи Президенти Ҳайдар Алиев, таниқли олима Зарифа Алиева, бастакор Узеир Ҳажибеев, қўшиқчи Муслим Магомаев ва бошқа машхур зотлар хотирасига ҳурмат баҳо келтирди.

Тушдан сўнг Бокудан 250 километр узоқликда жойлашган Оқтош шаҳрига етиб борган экспедиция аъзолари икки халқнинг ардоқли

БОБОЛАР ИЗИДАН ОЗАРБАЙЖОНГА...

ва атоқли адиби Мақсуд Шайхзоданинг уй-музейини кўришга муяссар бўлди. 1989 йилда ташкил этилган музей фондида 226 турдаги экспонат сақланади. Улар орасида адибнинг шахсий буюмлари, қўлёзмалари, фотосуратлари, асарлари ва ижодий фаолиятига оид нодир ҳужжатлар мавжуд.

Ундан чиқиб, Шаки – Озарбайжоннинг шимоли-ғарбида, Кавказ тоғлари этагида жойлашган қадимий шаҳарга қароб юрилди.

Тарихи миллоддан аввалги VI асрларга бориб тақалувчи ушбу мўъжаз шаҳарча Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бўлиб, савдо, ҳунармандлик ва маданият маркази сифатида ном қозонган. Шакининг энг машхур обидаси – XVIII асрда қурилган Шаки хон саройидир. У шабака деразалари, ранг-баранг фрескалари ва ёғоч устунлари билан Шарқ меъморчилигининг бетакрор намунаси ҳисобланади. Сарой, Гилахли масжиди ва қадимий қалъа деворлари 2019 йилда ЮНЕСКО Жаҳон мероси рўйхати-га киритилган.

Эртаси куни буюк мутафаккир, шоир Низомий Ганжавий туғилган тупроқларни зиёрат этиш насиб қилди.

Ганжа – Озарбайжоннинг энг қадимий ва иккинчи йирик шаҳри бўлиб, унинг тарихи миллоддан аввалги даврларга бориб тақалади. Тарихий манбаларда V асрдаёқ тилга олинган бу шаҳар қадимдан

илм, адабиёт, ҳунармандлик ва савдо маркази бўлган.

Бу ерда жойлашган Низомий мақбараси, қадимий Жума масжиди, Шоҳ Аббос қарвонсаройи ва бошқа меъморий обидалар экспедиция аъзоларини ҳайратга солди. Ганжа 2021 йилда “Туркий дунё маданият пойтахти” деб эълон қилинган.

Унинг кенг хиббонлари, маданият марказлари, университетлари ва театр биноси бугунги Озарбайжоннинг тараққиёт тимсолдир.

Шаҳарнинг раъзий дарвозасида қуйидагича ёзув бор: “*Миллоддан аввалги II минг йилликда йирик озарбайжон саркардаси ва давлат арбоби Афросиёб Ганжа қалъаси атрофида Форс ҳукмдори Кайхусравнинг қўшинини тор-мор қилган. Авесто. Географик трактат*”.

Экспедиция ҳар бир ғишти, ҳар бир дарахтидан ўтмишининг нафаси уфуриб турган қадимий шаҳрдан яна Боку сари юзланди.

“World business center”нинг мажлислар залида озарбайжон ва ўзбек ижодкорлари иштирокида учрашув ташкил этилди. Тадбирни “Дунё ёш туркий ёзарлар бирлиги” раиси, шоир ва публицист Интиқом Яшар олиб борди. У ташкилотнинг мақсад-вазифалари, фаолияти ва келгусида туркий дунёнинг турли мамлакатлари, жумладан, Озарбайжон ва Ўзбекистон ёш ёзувчилари билан биргаликда амалга ошириш режалаштирилган лойиҳалар ҳақида гапирди. Дўстона эътирофларга

бой бўлган йиғинга икки тилда янграган мушоира ўзгача руҳ бағишлади.

Тадбир якунида Дунё ёш туркий ёзарлар бирлигига янги аъзо этиб сайланган бир қанча маҳаллий ва ўзбекистонлик ёзувчиларга расмий аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Халқаро Евроосиё Матбуот Фонди жойлашган бинонинг ҳовлисида ўзбек миллий таоми – ошни тайёрлаш асносида Алишер Навоий меросининг етук тадқиқотчиси, таниқли адабиётшунос ва ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларини мустақамлаш йўлида фаол иход қилиб келаётган олим Алмаз Улви, улкан адиб Чингиз Абдуллаев, машхур шоир, ўзбек миллатининг куйчаси Акиф Бағир, ўзбек адабиётининг йирик билимдони Яшар Қосим билан қизгин суҳбатлар бўлиб ўтди. Мазкур учрашувга Озарбайжон ва туркий дунёнинг севиқли шоири Ромиз Ровшан билан кечган самимий мулоқот ва мушоира янада файз бағишлади.

Кейинги куни экспедиция аъзолари таниқли рассом Навоий Метиннинг ижод устaxonасидаги мўъжизалардан баҳра олди. Умуман олганда, экспедиция улкан таассуротлар, ҳайратлар, муҳим маълумотларга бой бўлди.

Умид қиламизки, қардош халқлар ўртасидаги дўстона алоқалар, маданий-маънавий яқинлиқни янада мустақамлаш, шунингдек, аждоқларимиз қолдирган бебаҳо меросни ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қиладиган бу каби ижодий сафарлар бундан кейин ҳам мунтазам ташкил этилади.

Шаҳриёр ШАВКАТ



“

Фарзандлари билимли, истеъдодли, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишониб, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг истиқболи, албатта, ёруғ бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

”

АНЪАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ...

Ёш ижодкор жуда кўп китоб ўқиши мумкин. Ундан ўзига яраша сабоқ, билим олади. Лекин битта етук шоир ёки ёзувчининг суҳбатига бўлиш унга юзта китоб ўқиганидан кўпроқ нарса беради. Ҳатто дунёқарабини ўзгартириб, ижод имкониятларини очиб юбориши ҳеч гап эмас.



“Аммо профессионал адибларнинг вазифаси беминнат хизмат кўрсатиш бюроси ходимларининг вазифасидан жиндай фарқ қилиши” боис уларнинг режими, ижодий режаси, зиммасидаги масъулияти, кайфияти ва фурсати доим ҳам ёшлар билан бафуржа суҳбат қуриш имконини бермайди. Шу маънода Республика ёш ижодкорларининг аънавий Зомин семинари икки авлод вакиллари учраштириш, уларга соф ижодий муҳит яратиш йўлидаги бекиёс лойиҳа.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан семинар илк бор 1997 йилда ўтказилган эди. Орадан қариб ўттиз йил ўтди. Ўша пайтда шоғирд сифатида иштирок этганларнинг аксари бугун устоз мақомига эришди. Адабиёт бўстонида эса янги-янги ижодкорлар қадам қўймоқда. Улар ҳам Зомин шукуҳидан баҳраманд бўлишга орзуманд, астойдил ҳаракатда.

Семинар жорий йилда ҳам аънамага кўра уч босқичда ўтказилди. Сабаби, мамлакатимизнинг энг чека худудларига бадиий ижод билан шуғулланаётган ёшларни ҳам аниқлаш ва адабий жараёнларга жалб этиш мақсад қилинган. Қолаверса, саралаш босқичларининг адолатли ва шаффоф ўтишига эътибор қаратилди. Токи энг муносиблар танлансин ва бошқалар ҳам уларга ҳавас қилиб, келгуси семинаргача ўз устида ишлаб, ҳаракатдан тўхтамасин.

Давлатимиз раҳбарининг “Ижод мактаблари фаолиятини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан атоқли адиблар номи билан юритиладиган ҳар бир ижод мактабидан ҳам 5 нафардан ижодкор ўқувчи саралаб олинди.

Жами 128 нафар ёш қаламқаш Республика босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Адиблар хиебонида қад ростлаган буюк бобомиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйишдан бошланган адабиёт байрами 7–9 июль кунлари Жиззах вилоятининг Зомин тоғлари бағрида жойлашган “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖГа қарашли санаторийда давом этди.

Ёшлар шеърият, наср, драматургия, болалар адабиёти, бадиий таржима, бадиий публицистика, адабий танқид йўналишлари бўйича уч кун давомида устозлардан сабоқ олди, тенгдошлари билан фикр алмашди.

Аънамага мувофиқ “Зомин оқшомлари” шеърият кечаси ҳам ташкил этилди. Бу кечада ёшлар ҳам, устоз шоир-адиблар ҳам шеърлар ўқидилар ҳамда ўз ҳаётий тажрибаларини ҳикоя қилиб бердилар. Бу жўшқин ва унутилмас лаҳзалар тасвирларга ва кўнгилларга муҳрланди.

Семинар якунида барча иштирокчиларга Халқ банки томонидан ажратилган эсдалик совғалар, яъни ноутбук, ижод мактаби ўқувчиларига эса телефон, Касаба уюшмалари федерацияси ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг пул мукофотлари, Ёзувчилар уюшмасининг махсус сертификати, статутка, китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Биз Зомин ёшлари келгусида ҳаёт ва ижодда улкан муваффақиятларга эришишига ишонамиз. Зеро, уларга шахсан Давлат раҳбарининг ўзи “Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин!” дея эзгу тилакларини билдирган эди. Семинар шioriга айланган бу сўзлар замирида давлатнинг адабиёт ва адабиёт аҳлига, китобхонликка бераётган бемисл эътибори ва ғамхўрлиги мужассам.

Биз ҳам ёшларни қутлаб қоламиз. Уларнинг Зомин тоғлари бағрида янраган сара асарларини сизга ҳам илдиндик.

Фарида АФРЎЗ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси уринбосари



Том ҲИРОНС

АЙНИ ДАМ

Чечаклар қийғос гуллар, гуллар гуллар айна дам,
Қўёш бош кўтаради, бош кўтарар ҳилол ҳам,
Чақалоқлар жилмаяр, жилмайиб боқар олам,
Қаршиликка қарамай қарши чиқар қайдадир,
Икки ёш бир-бирига дил розини айтадир.

Тамаки ва ҳазилни бўлишар ёшуллар,
Сув юзида ўйнайди, ўйнайди шўх шуълалар,
Шуълалардан ранг олиб таралар ашулалар,
Хавф туғилса, тирсагинг тутаман, айрилмайман,
Мен сени ўпганман-ку, қошингдан қайрилмайман.

Юрак доим интилар, интилади севишга,
Ўлим фариштасини киритмагил сен тушга,
Ёноқларим улгурсин киприкларинг сезишга,
Ёрқин эди илк нигоҳ, ёрқин эди илк сўзлар,
Шу сабаб қайта севдик кўнха дунёни бизлар!

Инглиз тилидан
Гулжаҳон ИЛАШЕВА
таржимаси



ТАБАССУМИНГ САБАБ


Қайгулар кўнгилни этади майиб,
Омонат лаҳзалар ўтмасин ғамгин.
Сен қулиб яшагин, майин жилмайиб,
Табассуминг сабаб бу ҳаёт рангин.

Қалбинг дарвозасин шодликларга оч,
Қувончлар тўқади юракнинг зангин.
Қуёшдай борлиққа қулғуларинг соч,
Табассуминг сабаб бу ҳаёт рангин.

Асов ҳисларингга ҳоким бўл ўзинг,
Жимгина кузатма туйғулар жангин.
Олам ёғдулпанар қулганди кўзинг,
Табассуминг сабаб бу ҳаёт рангин.

Ғаждум ситамларни кўнгилдан қувиб,
Чиқаргин ҳасратнинг минг йиллик чангин.
Поклагин қалбингни қулгуга ювиб,
Табассуминг сабаб бу ҳаёт рангин!

Феруза
РАҲМАТОВА
Сирдарё



“ҲАР НЕ ИСТАРСЕН, ЎЗУНГДИН ИСТАГИЛ”

(эссе)

Бир пайтлар инсон ўзини англаш учун юрагига қулоқ тутарди. Ҳаёт йўлини топишда ақлни бир эшитса, қалбни икки тингларди. Кўнгил мулкидаги Виждон, Инсоф, Адолат, Андиша каби юксак қадриятлар инсоннинг ички компаси эди гўё. Бироқ бугун инсон ўзини топишда, англашда табиий мезонлардан анчайин узоқлашиб, ташқи омилларга боғланиб қолди. Таассуф, бугун у ўзига ўзгалар қарашини ва қаричини билан баҳо бермоқда.

Ижтимоий тармоқлар ҳаётимизда тобора кенг палак ёйиб борар экан, бу қаричу қарашлар қуршовидан сармастмиз, чиқиб кетолмаямиз. Биз қандай яшаямиз, нима еб, нима ичяймиз, эгнимизга шу бугун нима илдиқ – “лайк” санаймиз. Турмуш тарзимишга “кузатувчилар сони”, “трендлар” таъсир ўтказса болади. Ўзганинг бахт ҳикоясидан ўз ҳикоямизни тўқишга уринадиган бўлиб қолдик. Лекин бу жараёнда энг катта йўқотиш нима бўлди? Қалб! Ҳа, айнан қалб ва унинг содда, самимий эҳтиёжлари.

Бугун кўпчилик саҳифасида юзлаб лайк йиғиб-терса-да – ёлғиз. Саҳифаси минглаб кузатувчи томонидан кўрилса-да – ёлғиз. Қулиб турган чехра ортида ички курашлардан толиққан, аммо ҳеч кимга кўрсатгиси келмас қиёфа бор.

Етмаганига, дўсту дугона бир-бирини “рақамли” йўқлайди, бир пиёла чой устида суҳбат қуриш тобора фавқуллода воқеага айланиб бораётгандек, назаримда. Мулоқот виртуал, муносабатлар юзаки, самимият эса сунъий тус олган.

Бу инсоннинг наинки ижтимоий ҳаётига, руҳиятига ҳам таъсир қилмоқда. Чунки инсон табиатан меҳр-муҳаббат, эътибор ва жонли мулоқотга муҳтож. Кўз кўзга тушиб гаплашган бўлак.

Албатта, бу технология ёмон, деган

хулоса бермаслиги керак. Улар ҳаётни енгиллаштирмоқда, ахборот олиш, улашиш, ўрганиш учун улкан имкониятлар яратмоқда. Лекин қалб бошқа меъёр билан яшайди. У рақамларга қараб эмас, меҳрга қараб қадрлайди. Биргина самимий суҳбат, нигоҳ, сўз кўнгилни шод этади. Шунинг учун ҳам кўплаб одамлар телефонда соатлаб вақт ўтказса-да, ўзини бахтли ҳис қилмайди.

Шу учун инсон ўз қадрини ўзидан излаши лозим. Қачонки қалб овозини эшитган инсон рақамлар эмас, туйғу етовида бўлади. У бахтни сунъий шароитлардан эмас, хотиржамликдан топади.

Замонавий ҳаётда биз кўп нарсаларга эришишимиз мумкин: минглаб обуначилар, машхурлик, пул, мансаб... Аммо булар ичида энг ноёб ва энг кераклиси самимиятдир. Самимият билан яшаган инсон ҳаётда адашмайди. Чунки у ўзини билиб, ўзини севиб, ўзини тан олиб яшайди. Ва ана шунда у бошқаларни ҳам чин қалбдан севишга қодир бўлади. Зеро, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий айтганидек:

*Ўз вужудингга тафаккур айлағил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истағил.*



Машхура БОТИРОВА
Андижон

ТАНДИР

Қўшни уйга келган меҳмон
Деворимдан мўралайди.
Йигит қўшни тандиргамас,
Юрагимга ўт қалайди.

Аста мендан гап олмоқ-чун,
Сўзларини саралайди.
Ховлимизга боқиб нукул
Тандирига қарамайди.

Мен юрибман шоду хуррам,
Уни севги ошно этди.
Билмам, нени хаёл сураар?
Бир боғ ўтин ёниб кетди.

Дилсўзин айттирмоқ учун
Балки оташқурак керак...
Йўқ! Аслида тандирдайин
Ёниб турган юрак керак!

Савол ҳамда келар йиғи,
Билмам, қандай жойга етди?
Тандирга ўт ёққан йигит
Юрагимни ёқиб кетди...



Рўзиҳон ЎРИНБОЕВА
Тошкент вилояти



ЗОМИНДАН БОШЛАНАДИ



ТААССУРОТ

Зомин. Бу номни илгари жуда кўп марта эшитганман, лекин бу гал менга бу сўз ўзгача эшитилди. Юрагимда сирли, ёрқин из қолдирди.

Бу йилги анъанавий Зомин семинари – ёш ижодкорлар учун ҳақиқий байрам, сўз санъатини юрагида ардоқлаганлар учун илҳом манбаи бўлди. Ҳар бир иштирокчи бу ерда ўзлигини, ички дунёсини топди, қаламини синовдан ўтказди. Мен ҳам уларнинг бири сифатида бу муқаддас маскандан бир умрга етадиган руҳий бойлик ва билимлар билан илҳомга тўлиб қайтмоқдаман.

Семинар мени илк куниданоқ қувонч, илиқлик кайфияти билан қарши олди. Зоминнинг бегубор табиати, тоғ ҳавоси, ўзига хос сукунати ва шовури юрагимга илҳом учкунини солди. Ҳар қадамда шеър ёзгани, ҳар нафасда ижод қилгани келади. Шу даражада сўз ва муҳаббат уйғунлашган эди бу муҳитда.

Семинарда бизга устозлик қилган фидойи ижодкорлар Зулфия Мўминова, Дилфуза Шомаликова, Норинисо Қосимова ва Наргиза Асадовага ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман. Уларнинг ҳар бир таъсиysi юракдан, ҳар бир танқиди самимий, ҳар бир кўрсатмаси устозлик меҳри ила йўғрилган эди. Шуъбаларда шеър ўқидик, бахслашдик, хатоларимизни кўрдик, ўргандик. Ва энг муҳими,

ўзимизга бўлган ишончни уйғотдик.

Семинар доирасида ўтказилган мушоиралар, адабий учрашувлар, маҳорат дарслари, тоғ бағрида ўтказилган суҳбатлар, китоблар тақдироти – барчаси қимматли сабоқ бўлди. Айниқса, Сирожиiddин Саййид, Маҳмуд Тоир, Фаарида Афрўз каби юртимиз фахри бўлган ижодкорлар билан бир саҳнада шеър ўқиш орзум эди. Бу орзу Зоминда рўёбга чиқди. Топган дўстларим, тинчлаган шеърларим, ёзган сатрларим, юрагимдан ўтган ҳисларим – барчаси менга ҳаёт йўлида унутилмас хотира бўлиб қолди. Энди мен ижодкор сифатида “Шоираман!” деб дадил айта оламан. Чунки менга устозларим ишонишди. Мен эса бу ишончни, албатта, оқлайман.

Зомин – энди мен учун жўғрофий жой эмас. Бу маъво юрагида ўти бор ёш ижодкорларнинг илҳом маскани. Бу жой бир дунё хотираларга тўлиб-тошган макон. Бу ердаги хотиралар юрагимда бир умр сақланиб қолади.

Бу тансиқ саодат учун Юртбошимга юрак-юрагимдан раҳматлар айтаман! Бизга берилган бу имкон у кишининг адабиёт келажига ишончи, умиди ва ғамхўрлигидир. Биз каби ёш ижодкорлар бу олий эътиборни юракдан ҳис қилиб турибмиз.

Фотимахон ИЛЁСОВА
Тошкент шаҳри

БАТАН

Чаплар уриб гуллаган боғин
Ўпар эдим Ватан тупроғин.
Ҳамид ОЛИМЖОН

Кўксимни баҳорга белаган гўша,
Япроқлар титроғин руҳимга қўша,
Мен ҳам шу дунёда одамдай яшаб,
Тоғларинга юзим бурмабман, Ватан,
Тупроғинг кўзимга сурмабман, Ватан.

Тўрт фасл муттасил – баҳор, куз келгай,
Норғул йигит келгай, сулув қиз келгай,
Мозийдан азамат бир улус келгай,
Кечир, кимлигимни билмабман, Ватан,
Бош эгиб, қошинга келмабман, Ватан.

Бирода байт бўлиб, бирда шеър бўлиб,
Бирда Бобур, бирда Алишер бўлиб,
Боболарим осмон, ўзим ер бўлиб,
Гуноҳкор боладай йиғларман, Ватан,
Бари гуноҳимни оқларман, Ватан.



Разм солар бўлсам “Ўткан кунлар”га,
Қодирий қон билан битган кунларга,
Етгунча жадидлар кутган кунларга,
Қанча армонларни кўрмадинг, Ватан,
Қанча қурбонларни кўрмадинг, Ватан?

Дориломон айём бошимда Ҳумо,
Шеър дарди, юрт бахти юрагимга жо,
Куйчи бир шоиринг бўлгайман илло,
Юрагим сўзини битдим мен, Ватан,
Сенга қасамёдлар этдим мен, Ватан.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ
Қашқадарё

БУ ДУНЁДА

Ғунчалар ҳам гуллаб қўяр ишқ тотини,
Саман йўрға сақлаб юрар от зотини,
Қоялардан асрар қирғий қанотини,
Инсон билмас кўҳна дунё синоатини,
Бу дунёда нима қолар сизу биздан?!

Тунда кўкни баркаш бўлиб ой босади,
Ирмоқларни тўлғонтириб сой босади,
От толиқса, унинг ўрнин той босади,
Танбал йўрға кўзларини мой босади,
Бу дунёда нима қолар сизу биздан?!

Кўнгил кўрки кўзларимни куйдиради,
Сўлим сахар суюмлигим суйдиради,
Мендан олдин чопоғон вақт югуради,
Милён йилки, Сулаймон тоғ жим туради,
Бу дунёда нима қолар сизу биздан?!

Шеърпарастим – замондошим, умри азиз,
Ватаним деб, сайраса гар қумри азиз,
Шу диёрдан кетиб, бўлган борми азиз,
Ерми азиз ё ўткинчи қорми азиз,
Бу дунёда нима қолур сизу биздан?!



Қир-адирлар карвон сурган нор туядай,
Соғим келар булутларни оқ биядай,
Гоҳ ҳаёллар эргашади-ку соядай...
Шукур, Ватан суяб турар чўнг қоядай,
Бу дунёда нима қолур сизу биздан!?

Моҳинурхон ТУРСУНОВА
Фарғона

КИТОБНИНГ АРЗИ

Ётавериb сумкангда
Жуда зерикиб кетдим.
Ўқишга ҳеч хушинг йўқ,
Тушундим, англаб етдим.
Чуқур билим олмоққа
Ақлинг етмас – жуда кам.
Дарсга тайёрланмайсан,
Ўқимайсан бир бет ҳам.
Нега олмайсан қўлга
Эмасман-ку яроқсиз.
Ҳайф кетар ҳар дақиқанг,
Бир назар сол, кулоқсиз!
Меҳр билан ўқийди
Синфдошинг китобин,
Сен эса илғамайсан
Асло менинг хитобим.
Ҳа, айтганча, сенга боп
Бир китоб бор – ақида.
Жуда қизиқ: бир ялқов,
Танбал бола ҳақида.



Моҳидил АЛИМОВА
Жиззах

АВГУСТ

Август бўйи кетмаган кўча,
Ёғҳолвадай чўзилган тунлар.
Соянг билан гаплашдим неча,
Неча бора дил бўлди хунлар...

Сен юрган йўл – унда ўзим бек –
Менинг бахту тақдир йўлим-да.
Томир отиб бораётгандек,
Август чечаклари дилимда.

Оқиб кирди бағримга шамол,
Кўкрагимда – ёзнинг уфури.
Мункиллайти менга таниш чол,
Таниш бола келар югуриб...

Ожизлигим сира олмам тан,
Карвон-карвон ўтиб борар кун.
Мен августни кўмсаб яшайман,
Шу манзилдан ўтганинг учун.

Қалблар аро кўринмас парда,
Сендан кўча қолган хотира.
Сен босган бу тош йўлақлардан
Август атри кетмайди сира...

Сутга ботган тунларнинг бари,
Мен симобранг баргга ўхшайман.
Изларингдан кетмасман нари –
Августларни кутиб яшайман.

Муҳаммад ҲОДИЕВ
Бухоро





12 ИЮЛЬ – АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ТУФИЛГАН КУН

Улуғ маърифатпарвар адиб Абдулла Авлониининг невараси, кимё фанлари номзоди, фалсафа доктори, полимерлар ва нанотехнологиялар кимёси бўйича муҳандис Жамшид Авлониий узоқ йиллар АҚШда яшаб, нуфузли компанияларда раҳбар лавозимда фаолият олиб борган. Бугунги кунда эса, олим бобоси номи билан аталган малака ошириш институти билан ҳамкорликда мамлакатимизга илғор технологияларнинг кириб келишида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жамшид Авлониий 1956 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1991 йилдан бошлаб, АҚШда кимё йўналишида фаолият олиб борган. 2015 йилдан 2017 йилгача Son Tech LLC компанияси директори лавозимда ишлаган.

Бугунги кунда Жамшид Авлониий бобосининг бой илмий, адабий ва маърифий фаолиятини тарғиб қилиш, асарларини қайта нашр этиш ва ёш авлодга етказиш борасида бир қатор хайрли ишларга бош бўлмоқда. Бу эса, олтин силсила даврлар оша узвий барқарордир, маърифат шажарининг пой-дор илдишларида ҳаёт суви югуриб, сурх навлалар куртак отмоқда демакдир.

Жамшид Авлониий бобосини хотирлаб шундай дейди:

– Мен Абдулла Авлониининг Кенжа исми ўғилларининг ўғли бўламан, демак, невараман. Дадамнинг айтишича, раҳматли бобом кўпроқ китоб ўқиш кераклигини, мактаб ва оила ҳаётида жуда муҳим тарбия

воситаси эканлигини, ватанпарварлик эса ҳар бир инсоннинг нафақат қалбида, балки қонида ҳам бўлиши зарурлигини бот-бот таъкидлар эканлар. Амакиларимдан бири Оврўпа тилларига ортиқча ружу қўйгани муносабати билан бобомиз ҳар бир сўзни алоҳида-алоҳида урғулаб “Имконинг бори-ча тил ўрган, бу яхши, лекин ўз она тилингни ҳаммасидан мукамал билишинг шарт! Ўзбек ўз тилини йўқотса, миллат сифатида

ва география фанларини киритиб, авлодларига улкан маънавий бойлик қолдириб кетди. Бу нафақат мен учун, балки барча юртдошларимиз учун фахр.

Отам Кенжа Авлониий ҳам бобомнинг изидан бориб, кўп йиллар таълим соҳасида фаолият юритган. Болалигимда мен ҳам бобом ва отамга ўхшаб ўқувчиларга дарс бериб, уларнинг саводини чиқаришни истардим. Отам 25 йил олийгоҳда (илгариги Политехника институтиди) полимер-кимё соҳасида талабаларга дарс берган бўлса,

суҳбатдан кейин у мени ўзи билан бирга ишлашга таклиф қилди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Шундай қилиб, олимнинг лабораториясида 1991 йилдан 1995 йилга қадар ишлаб, катта тажриба орттирдим. Бу инсон ўтган асрнинг 70-йилларида полимерларга оид изланишлар олиб борган.

2000 йилда устозим Алан Макдиармид, АҚШлик яна бир олим Алан Хигер ва япониялик олим Хидэки Сиракава Нобель мукофоти билан тақдирланди. Ушбу ихтиро

Шундай қилиб, 2018 йилда билим ва тажрибаларимни юртимиз тараққиёти йўлида қўллашни мақсад қилиб қайтиб келдим. Бугунги кунда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошидаги Нанотехнологияларни ривожлантириш марказида илмий текшириш лабораторияси мудири сифатида фаолиятини давом эттириб келмоқдаман. Шу билан бирга Самарқанд давлат университети магистр талабаларига саноатдаги инновация соҳасида таълим бераман.

Озми-кўпми ҳаёт тажрибасига эга зиёли сифатида шуни айтмоқчиманки, муҳтарам Президентимиз оламшумул ислохотларга бел боғлаган. Бу қадар кенг қамровли янгиланишлар дунё тарихида кам учрайди. Асосийси, Раҳбаримиз ҳар бир соҳадаги ўзгаришлар илм-фанга асосланган бўлиши шартлигини, мамлакат тараққиёти учун аниқ фанлар муҳим эканлигини қайта-қайта ўқитиб келяптилар. Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий ва ихтисослашган Президент мактаблари таълим тажрибасида кўрилмаган воқелик. Ўйлайманки, бу ва бошқа мактабларимиздан келажагимизнинг атоқли намояндалари, жадид боболаримизнинг муносиб издошлари етишиб чиқади.

Авлониий бобом каби маърифатпарварларнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти барчамиз учун ибратдир. Мен “Jadid” газетасининг шioriға юкланган чуқур маънони юртдошларимизга яна бир бор эслатмоқчиман: “Тилда, фикрда, ишда бирлик!”. Биз миллат бўлиб тилимиз бир, фикримиз, ишимиз ягона мақсадга бўйсундирилган чоғдагина Янги Ўзбекистонни барпо қила оламиз. Учинчи Ренессанснинг асоси ҳам бизнинг бирлигимизда, аждодларимиздан мерос анъанани, яъни дунё илмининг байроқдори бўлишимизда! Бунинг учун миллат етакчисининг ўзи шахсан бош бўлиб турибдилар. Ҳолбуки, айна ана шу гоё учун бир пайтлар жадид боболаримиз бошига не кўргиликлар тушмаган дейсиз... Шеърда айтилганидек, “Белни боғлаш чоғидир бу, ўзни чоғлаш чоғидир!”

Суҳбатдош:
Зарнигор ИБРОХИМОВА



“Илм дунёнинг иззати, охиратнинг ша-рофатидур. Илм инсон учун гоёат олий ва муқаддас бир фазилатдур.

Абдулла АВЛОНИЙ

”

Бошланиши 1-саҳифада.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бутун Марказий Осиё ва ундан ташқарида муҳим ўрин тутган, минтақадаги халқлар тараққиёти учун жон қуйдирган жадидларга эътибори бир беҳбудийшунос сифатида мени беҳад қувонтириб, илҳомлантириб келяпти. Айниқса, “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор нафақат Ўзбекистон тадқиқотчилари, балки минтақа жадидшунослари учун ҳам янги изланишлар, кашфиёт ва мунозара учун беқиёс имконият эшикларини очди.



Улар орасида бор-йўғи уч ёш фарқ бўлса ҳам, Айний Беҳбудийни устоз санаган, гоётада ҳурмат қилган. Кўп ишларни бошлашда ундан маслаҳат олган. Масалан,

кур мажалладаги Беҳбудийнинг сурати ҳозирда кўп нашрларда босилаётганини айтиш жоиз.

Тўғри, совет даврида Беҳбудий-гагина эмас, балки барча жадид-

АДАБИЙ ДЎСТЛИК

ИККИ ЎЗБЕК ЁШ ИЖОДКОРИ халқаро фестивалда тақдирланди

Қозоғистоннинг Оқтов шаҳрида жорий йил 7–9 июль кунлари “Оқтов – 2025 Туркий дунё маданий пойтахти” дастури ва Абай Қўнонбоев таваллудининг 180 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Туркий дунё ёш қаламкашлари” халқаро фестивали туркий тилли давлатлар қамровида муҳим адабий воқеликка айланди.

Фестиваль ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси ва Оқтов шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда туркий халқларнинг 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган ижодкорлари иштирок этди. Мазкур тадбирнинг мақсади – туркий адабий алоқаларни кучайтириш, ёш ижодкорлар ўртасида дўстона муносабат ўрнатиш, истеъодларни кашф этиш ва уларни халқаро миқёсда намойён қилишдан иборат.

Фестивалнинг асосий қисмини ташкил этган Адабий форум Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Мереке Кўлқеновнинг нутқи билан очилди. Форумда Оқтов шаҳар ҳокими Абилайқайир Байпақов ҳамда ТУРКСОЙнинг Қозоғистондаги вакили Нишонгул Қаратаевалар ўз чиқишларида фестивалнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашди.

ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев ўз табригида фестиваль ҳақида шундай деди: “Туркий дунёнинг турли минтақаларидан келган ёш қаламкашларни бир майдонда бирлаштирган мазкур фестиваль фақат адабий алмашинув эмас, балки умумий тил, тарих ва қадриятларга таянган ягона маданий маконни акс эттиради. ТУРКСОЙ ёш истеъодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давом этади”.

Фестиваль доирасида наср, назм ва драма йўналишлари бўйича танлов ҳам ўтказилди. Унда Қозоғистон, Туркия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Туркменистондан жами 59 нафар ёш ёзувчи ўз асарлари билан иштирок этди. Саралаш натижаларига кўра, 12 нафар қаламкаш ғолиб деб топилди.

Қувонарлиси шундаки, танловда иштирок этган икки нафар ўзбекистонлик ижодкор – Жавлон Жовлиев (наср йўналишида) ва Шавкат Дўстмуҳаммад (драма йўналишида) совриндорлар қаторидан жой олди.

– Фестиваль кўп жиҳатдан ўзига хос бўлди деб ўйлайман, – деди Шавкат Дўстмуҳаммад. – Хусусан, фестиваль доирасида ўтказилган ижодий танлов учун ҳеч қерда эълон қилинмаган асарларнинг қабул қилинишида катта маъно мужассам. Бунда



ташкilotчиларнинг янги адабий асарларни қўллаб-қувватлашга бўлган хайрихоҳлиги, ижодкорларни янгидан-янги асарларга рағбатлантириш мақсади акс этади. Таъкидлашми керак, драма йўналишида иштирок этишнинг алоҳида масъулияти бор. Чунки бугун замонавий ўзбек драматургияси пухта асарларга улкан эҳтиёж сезиб турибди. Ўйлайманки, бу мукофот кўп сонли ўзбек драма ёзарларининг катта илҳом олишига сабаб бўлади.

Фестиваль якунида ғолибларга махсус дипломлар, эсдалик совғалари ва ташаккурномалар топширилди. Ушбу форум, шубҳасиз, ёш туркий адибларнинг бирлашишига, хайрат ва ғайрат билан янгидан-янги асарлар ёзишига ижодий йўл очади.

Миржалол МАҲҚАМОВ,
Болалар контентини ривожлантириш
маркази етакчи мутахассиси

БЕҲБУДИЙНИНГ ХЎЖАНДЛИК МУҲИБЛАРИ

Тожикистонда ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг илмий ва ижодий мероси тадқиқ этиб келинмоқда. Масалан, академик Соҳиб Табаров Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдулвоҳид Мунзим меросини ўрганиб, икки жилдлик китоб ёзган. Таниқли олимлар Иброҳим Усмонов, Абдухалиқ Назарий ва бошқа тадқиқотчилар ҳам Беҳбудий, “Ойина” борасида илмий изланишлар олиб боришган.

Беҳбудий географик ва этник чегараларга сиймай диган гениал шахс эди. У асос солган “Ойина” саҳифаларида фақат Марказий Осиё ижодкорларининг эмас, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, ҳатто Ҳиндистонда яшаётган кишиларнинг ҳам мақолалари босилган. Улар орасида тожик журналистлари ва маърифатпарварлари ҳам бор эди. Маълумки, ўша даврларда Самарқанд ва Хўжанд ўртасидаги маърифий алоқалар мустаҳкам бўлган. Беҳжиз Хўжанддаги дастлабки мактаблардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий номи билан аталмаган эди.

Бу муносабатларнинг давомийлигида Беҳбудий ва Айнийнинг дўстлиги ҳам аҳамият касб этган.

1908 йили Бухорода янгича усулдаги мактаб очиш учун бир гуруҳ зиёлилар Самарқандга, Беҳбудий хузурига боришган. Улар орасида Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим ва Абусаид Ҳамдий бўлган. Беҳбудий бу мактаб учун дарсликлар тайёрлашда ёрдам кўрсатиб, ҳатто харита тузиб берган. Беҳбудийнинг умри бевақт хазон этилмаганда, у ҳам Айний каби узоқ умр кечирганда, бундан-да буюк ишларни амалга оширган бўларди. Лекин...

Шу ўринда яна бир маълумот келтириб ўтмоқчиман. “Падаркуш” драмаси фақат Тошкент ва Самарқандда эмас, балки Хўжандда ҳам муваффақиятли қўйилган. Мен бу ҳақда маълумот топганман – бу Хўжандда спектакль қўйилиши борасидаги афиша-эълон.

Беҳбудийга замондош зиёлиларнинг эҳтиромига яна бир мисол шуки, ўз даврида “Шуълаи инқилоб” журналининг бир сони тўлиқ унга бағишланади. Мазкур мажаллада Садриддин Айний, Саидризо Ализода ва бошқа жадидларнинг Беҳбудийга бағишланган мақолалари, Фахриддин Роҳийнинг шеъри ўрин олган. Ўрни келганда, маз-

ларга нисбатан душманлик кайфияти “қадимчи”ларда ҳам, аввал чор маъмурияти, кейин большевиклар фирқаси фаолларида ҳам кучли бўлган. Нега? Чунки Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз давридан анча йилларга ўзиб кетган, келажакни олдиндан кўра олган маърифатпарвар инсон эди. Табиийки, бундай илғор тафаккур эгаларига ҳеч қайси замонда енгил бўлмаган.

Аммо олтин зангламайди. Вақт ўтиб, тарихий адолат тикланди. Жадидлар оқланди, уларнинг фаолиятига муносиб баҳо берилди. Шунинг учун ҳам миллат ойдинларининг ҳаёти ва ижоди фақат Ўзбекистонда эмас, балки қўшни мамлакатларда, олис хорижда ҳам мунтазам ўрганиб боришмоқда. Бу тадқиқотлар янги тараққиёт йўлига чиққан навқирон давлатларимиз учун бемисл “йўл харитаси” вазифасини ўтайди.

Биз эса Беҳбудий тимсолида яна бир карра икки халқ ўртасидаги дўстлик, баргикенглик ва ҳамкорликни тараннум этамиз.

Ўринбой УСМОН
ёзиб олди.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

АКА-УКАНИНГ АЯНЧЛИ ЭГИЗ ТАҚДИРИ

Инсон ва жамият тараққиёти ҳеч қачон осон кечмаган. Тарих тажрибаси шуни кўрсатади. Табиийки, ижтимоий ўзгаришлар, маънавий уйғониш, ҳуррият учун кураш синову имтиҳонларсиз ўтмаган. Эрк осонликча келмаган ва ёки “ойдан тушган эмас”. Ўз даврининг етук олими, шоир Рудакий деганидек:

*Билки, қийин ҳаёт берур таппа-тахт,
Фозиллик, улуғлик,
мардлик ҳамма вақт.*

XX асрнинг 30-йилларидаги сиёсий қатағон даври айни ҳақиқатни янада яққол намойён этади. Биз эса мана шу ҳикматни маърифат йўлида фидойи икки инсон, икки шахсият – Аҳмаджон ва Абдушукур Ҳақимов ҳаёт йўли мисолида англашга ўринамиз. Қуйида эса уларга “қийин ҳаёт берган мардлик”дан сўзлаймиз.

Аҳмаджон Ҳақимов 1903 йили Андижон вилоятининг Сувюлдуз қишлоғида дунёга келган. У замонасининг илғор фикрли, маърифатга ошно, маданиятли ва эътиборли кишилари қаторида турган оилада вояга етди. Бу оила нафақат моддий жиҳатдан фаровон, балки маънавий жиҳатдан ҳам тўқис бўлиб, фарзанд тарбиясига катта аҳамият қаратарди. Шу боис, фарзанднинг билимли, кенг дунёқарашли ва элга нафи тегадиган шахс сифатида улғайиши оилада табиий ҳаёт тарзи эди.

Гарчи биз ҳозир бир оилада ўсган икки шахсият тўғрисида ҳикоя қиялпмиз, бироқ уларнинг тақдир ҳикоятида гўё икки алоҳида китобни varaқлаётгандек бўламиз.

Аҳмаджон болаликдан хат-саводли бўлиш, билим олиш, ўзидан кўра кўпроқ ўзгалар келажагини ўйлашга мойил улғайди. Бола табиатида аввалбоши маърифатпарвар муҳит таъсирида шаклланиган бу эзгу қадриятлар бора-бора унинг таълим ва жамоат фаолиятида ҳам акс этмай қолмади.

Жадидлик давридаги аксар маърифатпарвар бой хонадонлар каби Ҳақимовлар оиласи ҳам ижтимоий ўзгаришларга, янги ғояларга очик эди. Оқшом чоғлари оила аъзолари тўпланган пайтларда янги усул мактабларининг аҳамияти, жадид зиёлиларининг фаолияти, туркий оламда кечаётган ижтимоий ва маданий жараёнлар ҳақида қизғин мунозаралар бўлар, газета ва журналлар мунтазам ўқиладди. Бу эса ўз-ўзидан ёш Аҳмаджонда эртaroқ савод чиқариб, суҳбат мағзини қақишга зўр иштиёқ уйғотарди.

Аҳмаджон Ҳақимов илк саводни ўша даврдаги кўплаб ўзбек болалари сингари маҳаллий қорихонада чиқаради. Қорихона анъанавий таълимнинг илк босқичи сифатида хизмат қилган бўлса-да, қаҳрамонимиз ҳаётидаги ҳал қилувчи бурилиш бу эмас, бошқа – “Ватан” номли миллий мактаб билан боғлиқ бўлди. Бу мактаб ўша замон учун жуда илғор бўлиб, унда дарсларни Туркияда ҳарбий ва маърифий тайёргарлик кўрган турк офицерлари олиб боришарди.

“Ватан”даги тахсили давомида Аҳмаджон таълим орқали миллатни уйғотиш, маданият орқали мустамлака тизимига қарши туриш, ҳуррият учун ўта муҳими, аввало, билим эканини англай борди.

1920-йиллар бошларида Аҳмаджон ўқишни давом эттириш учун Кавказга – Ганжа шаҳрига йўл олади. Турк зиёлиларининг таъсири унинг шахсиятида чуқур из қолдиради. Ана шу маънавий таъсир натижасида Аҳмаджон ўз фамилиясини илм ва маърифат меросини давом эттирувчи шахс сифатида “Ҳақимзода”га ўзгартиради.



Бу дафъа Андижондаги “Миллий иттиҳод” ташкилоти Кавказда таълим олаётган Аҳмаджон Ҳақимовни моддий жиҳатдан таъминлаб турарди. Таъминот ишларида, айниқса, Вақф бўлими раиси Қоризода Насриддиннинг ўрни бениҳоя катта эди. Унинг кўмаги Аҳмаджоннинг таълим йўлида узлуксиз илгарилашига йўл очиб, янада улкан мақсадлар сари етакларди.

Ганжадаги ўқув муҳити эса миллий ва исломий қадриятларга содиқ, бир вақтнинг ўзида замонавий билимлар ва фикрлар билан бойитилган бўлиб, бу ерда юксак маънавий салоҳиятга эга зиёлилар тарбияланарди. Аҳмаджон айнан ана шу муҳитда етук шахс сифатида шаклланишда дастлабки мустақкам қадмаларни ташлади.

Ганжада олган илк тажрибаси ва илмий асосларини янада мукаммаллаштириш ниятида у кейинчалик Боку шаҳридаги педагогик техникумга ўқишга киради. Боку ўша пайтда жадидлик ва туркий уйғониш ғоялари кенг тарқалган, маърифат ва янгилаштишга чанқoқ ёшлар жамланган марказлардан бири эди. Турган гапки, бу замин кўплаб ёшлар қатори Аҳмаджонни ҳам маърифатпарвар шахс сифатида камолга етказди.

Энди у нафақат таълим соҳасида, балки жамиятдаги фаоллиги билан ҳам кўзга ташлана бошлади. Хусусан, “Миллий иттиҳод” ташкилоти фаолиятида унинг иштироки сезиларли даражада кучайди. Бу ташкилот атрофида Файзулла Султонов, Шарифжон Ризаев, Собиржон Шарипов каби ўша даврнинг таниқли, фаол ва илғор ёшлари тўпланган бўлиб, улар миллий мустақиллик, маърифат ва эркин фикр ғояларини умумий мақсад сифатида олға суришарди.

Аҳмаджон учун ушбу давр том маънода тафаккур ривожини палласи бўлди. Ҳар бир мулоқот, ҳар бир муҳокама унинг миллат ва келажақ ҳақидаги қарашлари, қайгуришларини мустаҳкамлай борди. У суҳбат ва учрашувларда советлар олиб бораётган сиёсатга қарши норозилик кайфиятини қатъий билдириб боради. Жумладан, у шундай фикрни айтади: “Биз давлатга бир килограмм пахтани бир рубль ўттиз тийинга топширмакдмиз. Авваллари инқилобга қадар бир сўмга 3 аршин мато сотиб олиш мумкин бўлган бир метр матони 3 рублдан сотиб олмакдмиз. Авваллари инқилобга қадар бир рублга 3 аршин мато олиш мумкин эди. Бир килограмм ипакни 7 рублдан

топширмакдмиз, ўзимиз эса кўйлақ ёки чопонни 70–100 рублдан сотиб олмакдмиз, баъзида эса бу матони топиб бўлмайди. Бугдойга келсак, илгари бугдой кўп бўлган, аммо ҳозир қолхозчилар бугдойсиз, унсиз ўтиришибди, улар ишларини ташлаб, бугдой излашга кетишмоқда”.

Аҳмаджон Ҳақимов олдиниға отаси, 1925 йилда онаси вафоти туфайли моддий етишмовчилик гирдобида қолади. Бокудаги ўқишини ташлаб, Андижонга қайтишга мажбур бўлади. Лекин юзага келган шароит унинг фаоллигини зинҳор сусайтирмайди, аксинча, у ўзини айнан йўқотишларда, қийинчиликларда топа бошлайди. Қайтгани ҳамоно вилоятдаги жамият ишларига бел боғлайди. Аввало, халқ таълими соҳасида иш бошлаб, 1925–1931 йилларда ўқитувчилик билан шуғулланади.

Кейинчалик Избоскан тумани халқ суди раиси (1931-1932) лавозимида ишлаб, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий, маънавий муаммоларига ҳуқуқий ечим топишга ҳаракат қилади. Суд муҳитини таълим, тушунтириш ва адолат меzonлари асосида бошқаришга уринади. Янгиқишлоқ ҳудудидаги қолхозда раис ўринбосари (1933-1936) сифатидаги фаолияти ҳам шу руҳда кечади: у оддий ишчи, деҳқонлар билан самимий мулоқотда бўлар экан, уларнинг ташаббусларини кўплаб-қувватлайди.

Аҳмаджон Ҳақимовнинг фаолияти, айниқса, унинг таълим ва ҳуқуқ соҳаларидаги қарашлари жорий тузум манфаатлари билан кескин тўқнашади. У бой табақанинг билим, маданият ва иқтисодий тажрибасини жамият тараққиётига хизмат қилдириш зарурлигини бот-бот таъкидлар экан, била туриб бошини кундага кўяди.

Бурхон Машрабий, Ҳасанхон Ниёзий, Иброҳим Эшонхўжаев каби таниқли жадид зиёлилари билан доимий мулоқотда бўлиши қаҳрамонимизни советлар наздида кун сайин шубҳали шахсга айлантиради. Гумонлар ортидан кузатувлар кучайиб, ҳолат қаҳрамонимизнинг 1937 йил 27 сентябрда ҳибсга олиниши билан якунланади. Аслида, бу якун ҳам эмас, азоб-укубатларнинг бошланиши эди, десак тўғрироқ бўлади. Чунки у на бир расмий суд, на асосли далил билан қамалади. Жазо тариқасида 1938 йил Байкал-Амур магистрали қурилишига жўнатилади.

Аҳмаджон Ҳақимов ўта оғир меҳнат шароити, инсон зоти дош бериши қийин шафқатсиз шароитда ҳалок бўлади.

Абдушукур Ҳақимов 1905 йили туғилган. Юқорида ҳикоя қилганимиз аянчли тақдир эгаси Аҳмаджон Ҳақимовнинг укаси. Бир қарасак, ўша оилавий муҳит укага ҳам бегона эмасдек, бироқ уканинг қисмати ақаникидан фарқли, балки янада оғриқли эди, десак янглиш бўлмас. Отадан эрта етим қолгач, ҳали юмушда суяги қотмаган болакай меҳнатга илмдан олдинроқ кириб боради. 1915 йилдан 1922 йилгача турли оилаларда хизмат қилиб, болагини оғир меҳнат соясида ўтказишга мажбур бўлади.

“1920 йили Андижон шаҳридаги Бо-



Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

лалар уйига кирганман, бу ерда 1925 йилгача яшадим, шу ерда биринчи даражали ўқишни тугатдим”, дейди қаҳрамонимиз кейинчалик тергов жараёнида. Мана шу маълумотнинг ўзиёқ кўп нарсани ойдинлаштиради. Яъни Абдушукур Ҳақимовнинг Болалар уйига топширилиши ортида турли манзараларни чизамиз ва улар орасида кўнгилни ўртайдигани – бу онанинг ночор қиёфаси, иккала фарзандини бирваракайига ўқитишга қурби етмаслик, кўли калталик важи...

Беш йил мобайнида Болалар уйида хат-савод чиқариб, тарбия топган Абдушукур 1925 йили Фарғона шаҳридаги педагогика техникумига йўл олади.

У мавжуд тизим доирасидаги ишларни танқид остиға олишда ҳам анча ўткир шахс эди. Бу борада унинг 1927-1928 йилларда техникум талабаси сифатида, айниқса, “Шимпанзе” ва “Кўркаламуш” каби яширин нашрлар билан боғлиқ фаолияти ғоят аҳамиятлидир. Бу номлар ҳазиломуз кўринса-да, улар орқали билдирилган фикр-ғоялар ўта жиддий, кескир ва кескин эди. Ушбу нашрлар орқали Абдушукур Ҳақимов жамиятдаги камчиликлар, тенгсизликлар, мафкуравий зўравонликларни нишонға олади ва, табиийки, мана шу журъатию жасорати алалоқибат ўзини нишонға тутиб беришга сабаб бўлади.

Кейинчалик ўшандай чиқишларидан бирида айтади: “Андижонда партия ташкилотлари ўқитувчиларга нисбатан ёмон муносабатда, энг яхши ўқитувчилардан Ҳасанхон ва Ҳусанхон Ниезовларни қамoққа олишди. ГПУ органи ходимлари ноёб ва қимматли китобларни тортиб олишган. Ҳозирев вақтда ўта кучли тарзда хавотирдаманки, ташкилотимиз аъзолари орасида собиқ иттиҳодчилар кўпдан кўпки, агар улар ҳам қамoққа олинса, у ҳолда маърифат ишига кучли зарба берилиши мумкин”.


Олий маълумотли бўлиш ўша давр учун катта ютуқ саналган бўлса, бунинг маънавий масъулияти ҳам юқори эди. 1929 йили Абдушукур Ҳақимов техникумни муваффақиятли тамомлаб, Андижон шаҳрида она тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида иш бошлайди. 1930 йили 4-сон мактабга директор этиб тайинланиши, сўнгра 1936 йилда 30-сон мактабга раҳбар сифатида йўлланиши қаҳрамонимизга бўлган ишонч, унинг касбига садоқати ва салоҳиятининг амалдаги тасдиғи эди.

Абдушукур Ҳақимовнинг фаолияти кенг жамоатчилик иши билан ҳам узвий боғлиқ кенганини кузатамиз. У маҳаллий маърифатчилар уюшмасини бошқаради, ижтимоий тадбирларда фаол қатнашади. Шуларнинг ўзиёқ унинг шахсий ташаббусга, етакчилик қобилиятига эга, аҳолининг ишончини қозонган шахс бўлганидан далолат беради. Бироқ...

Кўрмайсизми, Абдушукур Ҳақимовнинг Файзулла Ҳўжаев шахсиятига бўлган ҳурмати, унинг портрети ва бюстини мактабдан олиб ташлашга қарши чиққани, ўзи директорлик қилган 30-сон мактабга Сталин исмини беришдан бош тортгани – барчаси тергов материалларида қаҳрамонимиз гарданига “айб” сифатида илинади.

1937 йилнинг 5 октябрида Абдушукур Ҳақимов ҳибсга олинади ҳамда 13 ноябрь куни “акселинқилобий фаолият”да айбланиб, у ҳам акасидек 10 йил муддатга меҳнат-тузатиш лагерига ҳукм қилинади. Аммо акасидан фарқли ўларoқ, унинг кейинги тақдири ҳақида аниқ маълумот йўқ.

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚҮРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Яҳё Ҳўжаев – 1905 йили Бухоро шаҳри Дилқушод гузарида туғилган. У Файзулла Ҳўжаев ва Ота Ҳўжаевнинг жиёни бўлиб, уларнинг бевосита тарбиясини олган, ёшлигидан миллий раvнақ ғояси таъсирида шаклланиган. 1924 йили “Миллий истиқлол” акселинқилобий ташкилоти Марказий кўмитасининг аъзоси Ибод Ҳўжаев тарғиботи орқали Яҳё Ҳўжаев ҳам ташкилот аъзолигига қабул қилинади. У амакиларининг кўмаги билан 1927 йили ўқиш учун Москвага юборилади.

Файзулла Ҳўжаев ҳибсга олиниши муносабати билан унинг ҳаммаслақлари, жумладан, Яҳё Ҳўжаев ҳам 1937 йилнинг 7 августида ҳибсга олинади. Ўшанда у “Ўзбексавдо” идорасига қарашли 26-дўкон мудири вазифасида ишларди.

Яҳё Ҳўжаев 1937 йил августда Раҳмон Алимовнинг уйида мағлубиятчилик руҳида тарғибот олиб борганликда айбланган. 1937 йил 17 ноябрда 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Маҳкум жазони Ярославск области Улғич шаҳридаги Волга лагерига ўтаган. 1940 йил 28 январда унга нисбатан жиноят иши қайта кўриб чиқилди ва ҳукм ўз кучида қолдирилди. Орадан анча вақт ўтиб, яъни 1957 йил 18 мартда Бухоро области суди Яҳё Ҳўжаевни реабилитация қилган.

Сулаймонхўжа Убайдуллахўжаев – 1874 йили 19 апрелда Андижон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1929 йил акселинқилобий ташкилот “Миллий иттиҳод”нинг аъзоси сифатида судланиб, 6 йил қамoқ жазосига ҳукм этилган. Жазони Кем шаҳрида ўтаган.

1933 йили қамoқдан қайтиб келгач, акселинқилобий миллатчи “Миллий иттиҳод” ташкилоти билан мустақкам алоқада бўлиб, партия ва совет органлари тадбирларига қарши акселинқилобий фаолият кўрсатган. Шундан сўнг қайта ҳибсга олинади. Тинтув чоғида хонадонидан 72 та диний китоб топилгани архив ҳужжатларида қайд этилган. Шунингдек, унинг анкетасида инқилобга қадар қорихона, мадрасада ўқиб араб, форс тилларини мукамал ўргангани, ўзи ҳам жадид мактабида ёшларга таълим бергани кўрсатилган.

1937 йил 18 сентябрда Сулаймонхўжа Убайдуллахўжаевнинг иши ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиғи “Учлиғи”да кўриб чиқиш учун юборилган. “Учлиқ”нинг 1937 йил 9 октябрдаги йиғилишида Сулаймонхўжа Убайдуллахўжаев отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 30 октябрда ижро этилган. У 1963 йил 13 июлда реабилитация қилинган.

Давлатназар Ҳусанбоев – 1901 йили Хива шаҳрида туғилган. Отаси Хива хони Афандиёҳроннинг бош вазири бўлган. Акаси Саид Ҳусанбоев, укаси Абдулла ҳожи 1935–1937 йилларда сургун қилинган.


У доимий равишда акселинқилобий ҳарактердаги фикрларни таркатаётганликда айбланиб, 1937 йил 1 октябрда терговга жалб қилинган. Тергов ҳужжатларида “Сиз “Ёш бухороликлар” номли акселинқилобий ташкилотга мансубмисиз?” деган савол берилган. Унга Ҳусанбоев Давлатназар шундай жавоб қилган: “1916-1917 йилларда мен Хива шаҳридаги жадидлар мактабиде ўқиганман. Мактаб Испомхўжа томонидан очилган. Мактабда махсус ўқитувчилар, жумладан, татар миллатига мансуб Муҳиарбек исмли педагог ҳам дарс берган. Мактабда жадидлар томонидан оқилган яширин гуруҳ бўларди. Бироз вақт ўтгач, бу гуруҳ “Ёш хиваликлар” дея аталишини билдим. Чунки шу мактабда яхши ўқиганим учун улардан “Априн” номли фахрий ёрлиқ олганман”.

1937 йил 4 октябрдаги айблов хулосасида 1901 йили туғилган Давлатназар Ҳусанбоев Кўшқўприқда яшаётгани, Совет Иттифоқи ҳукуматининг сиёсатиға қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, 1937 йил 14 октябрда отувга ҳукм қилинган. Жазо ўша куни ижро этилган. Архив ҳужжатларида ёзилишича, у 1989 йил 5 июлда реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).



“**Аввало, миллатнинг манфаати учун ҳаракат қилмаган одам охират саодатига эриша олмайди!**

Абдурауф ФИТРАТ

”



СУД ЗАЛИДАН

“ҚАБР”НИНГ 23 МИЛЛИОНЛИК ЖАБРИ

“Самарқанд шаҳрида илк маротаба, 7 ёшдан 70 ёшгача, ўттир сюжетли “Қабр” фильмига кинокастинг! Шошилиниг, имкониётни қўлдан бой берманг! Манзил: Пастдаргом тумани маданият бўлими зали”.

Ушбу эълон катта-кичикни бирдек қизиқтириб, шошириб қўйди. Вилоятларда бунақа кастинг-пастинглар ҳадеганда бўлавермайди-да! Қолаверса, фильм режиссёри Аҳмад Қиёмшо пойтахтдан келган. Қўлида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Янгийўл шаҳар кенгаши ёш режиссёрлар тўғараги раҳбари, деган гувоҳномаси ҳам бор.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, маданият бўлимининг эшиги ёпилмай қолди. Айниқса, фильмнинг кенг қамровлилиги, бир эмас беш нафар бош қаҳрамон ва катта-кичик ёшдаги ёрдамчи қаҳрамонлар образидан иборатлиги кўпчиликда танловдан ўтишга ишонч уйғотиб, орзуманд кўнгилларга шуҳрат алангасини солди.

ХАР ТОМОНЛАМА МУНОСИБ НОМЗОД

— О, сиз бош қаҳрамонимга жуда ўхшайсиз. Сиздан мос вариант кўрмадим! — деди Аҳмад Қиёмшо ўзини Шаҳруз Имомов деб таништирган, баланд бўйли, 26 ёшли номзодни олқишлаган каби қарсак чалиб. — Фақат 1 минг 200 доллар тўлови бор. Кастинг талаби шундай: ҳар ким ўз роли учун кетадиган сарф-харажатни ўзи қоплайди. Бош қаҳрамон бўламан деганлар жуда кўп, харажати ҳам тайёр, фақат уларнинг қиёфаси мос келмаяпти. Кинода машҳур актёрлар ҳам ўйнайди, танилиб кетасиз. Вақт қисқа, кечгача ўйлаб кўринг.

Йигит учун шарт содда кўринди, “шу билан “юлдуз” бўлиб кетсам-а”, деган ўйда керакли пулни келтириб берди. Режиссёр бу билан чекланмади, Шаҳрузга қуюқ ваъда бериб, съёмка учун ҳашаматли уй топишни ҳам юклаб юборди.

Бу ёқда Ботир Ғафоров ҳам кечадан бери учиб юрибди. Ётса ҳам, турса ҳам ҳаёлида киноюлдузлик. Кимсан Ёдгор Саъдиев билан бирга роль ўйнариш. Ролини биров илиб кетмаслиги учун 900 долларни тўлаб қўйди. Ҳадемай пойтахтга кетишади...

— Омадми чоғди, иккинчи бош қаҳрамонга мендан кўра мос номзод топилмабди, онажон, — дея қайта-қайта волидасини қучарди у.



ЁШ ИҚТИДОРЛАРНИ ИЗЛАБ...

7-синф ўқувчиси Ҳалимжон актёр бўлишни орзу қилади. Мактабда ўтказиладиган турли тадбирлар усиз ўтмайди.

“Қабр”га иштирокчилар сараланаётганини эшитган кунни ўзини қўярга жой тополмади. Дарс ниҳоясига етгач, амакиваччаси Анвар билан кастингга йўл олди.

— Аслида айнан сизга ўхшаш ёш талантларни кашф этиш учун келганман бу ерга, — деди уларни хурсанд қилиб олган режиссёр. — Қишлоқларда иқтидорлилар кўп, улар меҳнат ва мусавфо табиат билан уйғун ўлғайишгани учун ролларни табиий ижро этиш қобилиятига эга бўлишади. Сиз ана шундай ёшлардансиз, кўзингизда катта иқтидор учкунларини кўряпман, имкониим бўлганида бепул қабул қилардим. Аммо бозор иқтисоди бунга йўл бермайди. Сизбоп икки ўрин қолган-у, тўлов масаласи бор-да...

— Ота-онам яқинда Россияда ишлаб келди, пуллари кўп, мен учун аямайдилар, — деди Ҳалимжон “мени танланг, илтимос”, дегандек ялинганнамо термилиб.

— Хўп, сени Ёдгор Саъдиевнинг набираси ролига оламан, фақат рўйхатга олишим учун дастлаб 300 минг сўм, кейин съёмка учун 150 доллар берасан, — деди Аҳмад.

Сўнг Анварга ўғирилди: — Сен 50 доллар берсанг, бунга ўртоғи ролида ўйнайсан.

Ҳалимжоннинг отаси ўғлининг раъйини қайтармади, фақат иш бошидаги кишини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилиши кераклигини айтди. Таклифни эшитгач, Аҳмад Ҳалимжонга эргашиб уларниқига келди.

Отага гувоҳномасини кўрсатди, маълумотлар берди. Чиппа-чин ишонган ота унга 300 минг сўмни тутқазди. Шу куни Анвар ҳам айтилган маблағни келтириб берди.

Уч-тўрт кун ўтиб Аҳмад Ҳалимжонни чақириб, 150 долларни тўлашни тезлатишни, акс ҳолда ўрнига бошқа талабгорни олишини эслатди. Зум ўтмай бу талаб ҳам бажарилди...

8 КУНДА 23 МИЛЛИОН СЎМ

Хуллас “Қабр” кўпчиликини ўзига тортди. 8 кунлик кастингга 30 нафар ҳавасманд қатнашиб, улардан 13 нафари, тўғрироғи, “соққа” берганларнинг деярли барчаси танлаб олинди. Тўлов миқдори ҳам роллардаги мавқеларига кўра турлича бўлди. Жами 23 миллион 619 минг 814 сўм маблағ қўшқўллаб режиссёрга топширилди!

Ниҳоят, интиқиб қутилган кун келди. Жамоа Тошкент сари отланди. Йўл харажатлари ҳам “бўлғуси юлдуз” ҳисобидан қопланди. Пойтахти азимга келгач, бир ресторанда атиги 3-4 дақиқалик съёмка бўлди. Ёдгор Саъдиев қутилмаганда гастролга кетиб қолган экан, бошқа актёр билан суратга тушишди. Фильмнинг қолган саҳналари Самарқанднинг турли гўшалари — кўнгилочар жойларда, қоллеж олдиди, Ботир Ғафоровнинг тоғасига тегишли ҳашаматли ҳовлида, Жума шаҳридаги бильярдхонада олинди...

ХОРИЖ УЧУН 4 МИНГ 800 ДОЛЛАР

Аҳмад Қиёмшо бақувват сармоядор, бош рол ижрочиси Шаҳруз Имомовга яна кўнгиноқ қилиб, ёнига тез етиб келишини, зўр янгиллик борлигини айтди.

— Ҳозиргина раҳбарият билан гаплашдим,

фильмнинг давомини хорижда олинглар, деган топшириқ бўлди, тўртта давлатга кетамиз, — деди Аҳмад Шаҳрузни қучоқ очиб қутиб оларкан. — Шунга 4 минг 800 АҚШ доллари тўлашингиз керак бўляпти. Фақат сизни олиб кетамиз, қолган барча лавҳаларни олиб бўлдик. Тўлов индиндан кечикмаслиги керак. Кейинги ой учиб кетамиз.

Аҳмаднинг ёнидан “хўп бўлади” деб чиққан Шаҳрузни бу гал гумонлар қулғай бошлади: “Бир рол учун 6 000 доллар! Ўзи шу пайтгача қилинаётган ишлар ҳам ростга ўхшамаяпти, таникли актёрларнинг қорасини кўрмадик”.

Бундай шубҳалар бошқа иштирокчиларнинг ҳам қўнглидан ўтаётган эди. Фарзандларидан съёмка жараёни ҳақида эшитган ота-оналар фарибгарнинг тузоғига тушганини англаган, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига мурожаат қилиб ҳам улгурган эди.

Шаҳруз ҳам алданганини, фарибгарлик қурбони бўлганини сезди-ю, ҳолат юзасидан тегишли идорага арз қилди. Ўз навбатида зарур чоралар кўрилиб, Аҳмад Шаҳруздан пулни олаётган вақтда гувоҳлар иштирокида қўлга олинди.

ҚАНДАЙ ЖАЗО БЕРИЛДИ?

Суд Аҳмад Қиёмшонинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” бандига кўра, фарибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни такроран қўлга киритиш деб топилди. Унга айбига тўлиқ иқроғлиги ва пушаймонлиги, оилавий шароити, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф қилинганини ҳисобга олиб, ҳар ойлик иш ҳақида 20 фоиз миқдорида давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил муддатга ахлоқ тўзатиш ишлари жазоси тайинланди.

Қонунбузар-ку, ўзига яраша “улуш”ини олди, тавбасига таяниб, кўзи очилган бўлса ажабмас. Лекин осон йўл билан ном қозониш, “пуч юлдузлик” штаммига чалинган жигарсўхталар-чи? Улар ҳам тайинли бир хулосага келишдимикан?

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист

Жиноят ишлари бўйича Пастдаргом тумани судида қўрилган жиноят иш материаллари асосида ёзилди.

ТИЛБИЛИМ

САБЗ – ЯШИЛ, САБЗИРАНГ-ЧИ?

“Сабз” сўзи форс тилидан кириб келган ўзлашма сўз бўлиб, унинг ўзагидан ясалган бир қанча сўзлар ўзбек тилида фаол ишлатилади. Масалан: сабзи, сабза, сабзиранг, сабзавот, сабз урмоқ каби сўзлар тилимизда кенг қўлланади.



“Сабз” — асосан яшил, яшил рангли, гўр, янги, ёш маъноларини билдиради. Баъзи ҳолларда бу сўз бугдойранг ёки қорамғиз тусини ифодалашда ҳам ишлатилган. Адабий манбаларда “сабзак” шаклида ҳам учрайди. Алишер Навоий “Хамса”сида шундай келтирилади:

*Ўзи сабзу табассуми шакарин,
Хушдурур сабз гар эрур ширин.*

(Ҳайрат-ул аброр, 46-1)

“Сабзи” — сабзавотлар турига мансуб маҳсулот. Тилимизда бу сўз ошқўк маъносиди ҳам ишлатилади. “Сабзавот” — “сабза” сўзининг кўплик шакли бўлиб, полиз ва резавор экинлар, уларнинг овқатга ишлатиладиган қисми маъносини билдиради.

“Сабзиранг” эса бугунги ўзбек тилида тўқ сариқ ранг маъносиди тушунилади. Аслида эса бу сўз тарихий жиҳатдан сабзоранг, сабзранг шаклида келиб, яшил рангли англатган. Бундай ифодани мумтоз адабиётда ҳам учратиш мумкин:

*Яна бирнинг мақоми хазроранг,
Тўни ахзар, узори сабзоранг.*

(Сабъи Сайёр, 912)

Бу мисрада уч сўз — “хазроранг”, “ахзар” ва “сабзоранг” — барчаси яшил ранг синоними сифатида қўлланган. Аммо бугунги кунда “сабзиранг” дейилганида, сабзининг ташқи кўриниши, яъни тўқ сариқ ранг назарда тутилади. Демак, сўзда семантик силжиш рўй берган.

Семантик силжиш дегани бу — сўзнинг асл маъноси вақт ўтиши билан ўзгариб, бошқа маъно касб этишидир. “Сабзиранг” сўзида ҳам айнан шундай: дастлаб, у яшил рангли билдирган. Кейинчалик халқ тилида сабзавот — сабзи пўстлоғи ранги билан боғланиб, тўқ сариқ ранг сифатида ишлатила бошлаган. Бу каби сўзларни ўзбек тилида кўплаб учратиш мумкин.

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ЯМАНДА ОЧАРЧИЛИК

БМТнинг гуманитар ишлар бўйича раҳбари маълум қилишича, Яманда 17 миллиондан ортиқ одам очликдан азият чекмоқда. Жумладан, беш ёшгача бўлган миллиондан зиёд бола “ҳаёт учун хавфли” даражадаги очлик ҳолатида қолган.



Том Флетчернинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига хабар беришича, фуқаролар уруши гирдобидида қолган араб дунёсининг энг камбағал давлатидаги озиқ-овқат хавфсизлиги инқироzi 2023 йил охиридан бери тобора кучайиб бормоқда.

Унинг огоҳлантиришича, сентябрь ойига келиб очликдан азият чекаётганлар сони 18 миллиондан ошиши мумкин ҳамда келгуси йил бошига бориб ҳаёт учун хавфли даражадаги очлик ҳолатидаги болалар сони 1,2 миллионга етиши мумкин. Бу эса “кўпчилиكنинг доимий жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолиш хавфини оширади”.

ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН ИНТЕРВЬЮ

Америкалик телебошловчи Такер Карлсон Эрон президенти Масъуд Пизизиёни онлайн интервью олди. Бу ҳақда “Reuters” хабар бермоқда.



Карлсон Эрон президентидан “Мамлакат ядро дастуридан воз кечишга тайёрми?” деб сўради. Пизизиёни эса Эронда ҳеч қачон ядро қуроли ишлаб чиқариш истаги бўлмаган.

ни, уранни бойитиш ҳақидаги гап Биньямин Нетаняху ўйлаб топган уйдирма эканини айтди.

Пизизиёни Эрон АҚШ билан музокарага доим тайёр экани, лекин Нетаняху бу дипломатияни уруш билан яксон қилаётганини таъкидлаган. Эрон президентиға кўра, айнан Нетаняху минтақани беқарорлаштирмоқда.

РЕПРЕССИЯНИ ТЎХТАТИШГА ЧАҚИРУВ

БМТ Бош ассамблеяси Афғонистондаги гуманитар, иқтисодий ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият ёмонлашётганидан чуқур хавотир билдирилган резолюцияни қабул қилди.



Ҳужжат “Толибон” ҳаракатини репрессив сиёсатни тўхтатишга ва инклюзив бошқаруви ташминлашга чақиради, дейилади БМТ англиклар хизмати сайтида.

Резолюцияни 116 давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам қўллаб-қувватлади, икки давлат — Исроил ва АҚШ қарши чиқди, яна 12 давлат, жумладан, Ҳиндистон, Эрон, Хитой ва Россия бетараф қолди.

Резолюцияда Афғонистондаги оғир иқтисодий вазиятга уруғ берилиб, аъзо давлатлар ва донорларга мурожаатан мамлакатта инсонпарварлик ёрдами ҳажминини ошириш сўралган.

ОҚ УЙНИНГ ТОШКЕНТЛИК МУЛОЗИМИ

Оқ уйнинг кадрлар бўйича директори Серхио Гор Ўзбекистонда туғилгани ҳақида хабарлар тарқалди.



Қайд этилишича, 38 ёшли Гор шу пайтгача ўзининг келиб чиқишини ошқор қилмаган. Шу сабабдан туғилган жойи масаласи оммавий ахборот воситаларида миш-мишларга сабаб бўлган.

Жумладан, “The Washington Post” газетасининг ушбу амалдорга бағишланган мақоласида унинг Мальтадан келган муҳожир экани айтилган. Дональд Трамп маъмурияти ходимининг келиб чиқиши Мальтага алоқадор экани “The New York Post”нинг бир мақоласида ҳам яна тилга олинган. Унда Гор махфий маълумотларга рухсат олиш учун зарур бўлган таржимаи ҳоли ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмагани айтилади. Горнинг танишлари “The Dispatch” нашрига унинг собиқ Иттифок ҳудудда туғилганини ошқор қилишди.

БИР МИЛЛИОН МИГРАНТ

Россия Ҳиндистондан бир миллион меҳнат муҳожирли келишини кутмоқда. Бу ҳақда Урал савдо-саноат палатаси раҳбари Андрей Беседин маълум қилди, дея хабар бермоқда “Ura.ru” нашри.



Хорижий мутахассислар борадиган ҳудудлар орасида Свердловск вилояти ҳам кўрсатилган.

Бесединнинг аниқлик киритишича, минтақа саноатида ишчи кучи етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш айнан Ҳиндистон, Шри Ланка ва Шимолий Кореядан муҳожирларни жалб қилиш орқали амалга оширилиши режалаштирилган.

АНОМАЛ ИССИҚ ҲАЛОКАТИ

23 июндан 2 июлгача бўлган даврда Европани қамраб олган кучли иссиқлик тўлкини туфайли минтақанинг 12 шаҳрида тахминан 2,3 минг аҳоли вафот этган бўлиши мумкин.

Бу ҳақда Лондон Империял коллежи ҳамда Лондон гигиена ва тропик тиббиёт мактаби олимлари томонидан ўтказилган тезкор тадқиқот натижаларида маълум қилинган.



Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчехра Умарова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 169

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7 496

Лотин ёзувида – 11 673

Медиа қузувучилар – 74 771

Буюртма: Г – 739

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 23:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz